БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 186 (7633)

10 АВГУСТ ПАЙШАНБА 1950 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Ўртоқ Иосиф Виссарионович Сталинга рапортлар (1-нчи бет).

Совет Иттифоқи — тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда қудратли таянчдир (1-нчи бет).

Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси шарафига (1-нчи бет).

Сон-саноқсиз табриклар (2-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: М. Ашуров. — Уз савияларини оширмаётган раҳбарлар (2-нчи бет).

М. Турғонов. — Айрим район газеталарида йўл қўйилаётган баъзи камчиликлар тўғрисида (2-нчи бет).

Ғўза парваришини ҳосил етилгунча бўшаштирмай давом эттирайлик! (3-нчи бет).

Е. Исмоилхўжаев. — Йўлларни янги пахта ҳосилини ташишга тайёрлаш — муҳим давлат ишидир (3-нчи бет).

Хавфсизлик Советининг 8 августдаги мажлиси (3 ва 4-нчи бетлар).

Қуриядаги воқиалар (4-нчи бет).

Қурия халқ демократик республикаси ҳукуматининг Хавфсизлик Советига мурожаати (4-нчи бет).

Ўзбекистон спартакиадасида (4-нчи бет).

Қишлоқда маданий-оқартув ишларини янада юксак даражага кўтарайлик

Тараққийпарвар инсониятнинг улуғ доҳиси Ўртоқ Сталин барча совет кишиларини онгли ва маданий кишилар қилишимиз керак деб таълим беради. Большевиклар партияси, совет ҳукумати ва шахсан Ўртоқ Сталин совет кишиларини онгли, ҳар жиҳатдан тарбияланган, чиниққан, юксак маданиятли кишилар қилиб етиштириш учун барча шароитларни яратиб бердилар. Дунёда энг бахтиёр бўлган совет кишилари ҳушчақчақ ҳаётнинг, юксак маданиятнинг самараларидан баҳраманддирлар.

Совет тузуми бунёдга келтирган мингларча мактаб, техникумлар, олий ўқув юртлари, кутубхона, қироатхоналар, музей ҳамда лекториялар, маданият уйлари ва саройлари, клублар ва бошқа маданий-оқартув муассасалари совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашда ва уларни ҳартарафлама камолотга етказишда жуда катта роль ўйнамоқдалар.

Совет халқининг онгли ортди. Социализм жамиятини шараф билан қурган совет халқи энди коммунизмнинг муаззам биносини барпо қилиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Социализм мамлакатининг граждани бўлиш улуғ бахт. Сталинча халқлар дўстлиги, жамиятимизнинг маънавий-сиёсий бирлиги, ота-шин совет ватанпарварлиги руҳида тарбияланган совет кишилари бутун дунёдаги барча кишиларга совет тузумининг бошқа ҳарқандай тузумлардан афзал эканлигини намойиш қилиб кўрсатмоқдалар. Бутун дунёдаги халқлар Сталин замонасининг олижаноб кишиларидан, уларнинг юксак маънавий-сиёсий қиёфасидан илҳом олмоқдалар.

Совет тузуми, большевиклар партияси кишиларимизни янада маданиятли ва онгли қилиш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар, улар учун бутун шароитларни яратиб бермоқдалар. Социалистик қишлоқ хўжалигимиз янги колхозчи деҳқонлар армиясини вужудга келтирдики, бу армия капиталистик мамлакатлардаги қашшоқ деҳқонларга нажот йўлини, кураш ва ғалаба йўлини, порлоқ истиқбол йўлини кўрсатиб турипти.

Фаровон ва ҳушчақчақ ҳаёт кечираётган колхозчи деҳқонларнинг онгини янада оширишда, уларнинг маданий савиясини ҳозиргидан ҳам юксак даражага кўтаришда қишлоқдаги маданий-оқартув муассасаларимизнинг зиммасига жуда катта ва маъсулиятли вазифалар юклатилади.

Қишлоқларда ишлаб турган мингларча бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар колхозчиларнинг навқирон наслини коммунистик руҳда тарбияламоқда. Улар бундан кейин ҳам совет болаларини Ленин—Сталин партиясига чексиз садоқат ва социалистик Ватанимизга жўшқин муҳаббат руҳида тарбиялашда катта роль ўйнайдилар.

Қишлоқлардаги маданият уйлари, маданият саройлари, клублар кенг колхозчилар оммасини коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Вазифа шундай маданият ўчокларининг сонларини янада кўпайтиришдан, уларни малакали кадрлар билан таъминлашдан, олиб борилаётган маданий-оқартув ишларининг савиясини янада юксак даражага кўтаришдан иборатдир.

Ҳозир бепоён мамлакатимизнинг қишлоқларида 94 мингдан кўпроқ қишлоқ кутубхоналари бўлиб, унда 75 миллион нусхадан ортиқроқ китоблар бор. Совет деҳқонлари бу кутубхоналардан Маркс, Энгельс, Ленин, Сталиннинг асарларини олиб ўқийдилар, улардан яшашни, курашни ва ғалаба қилишни ўрганадилар, марксизм-ленинизм назариясини қунт билан эгаллайдилар. Қишлоқ аҳолиси бу кутубхона ва қироатхоналарда рус классик ёзувчиларининг, совет ёзувчиларининг асарларини ўқиб, улардан баҳраманд бўлмоқда. Илм олиш ҳуқуқининг самараларидан ҳурсанд бўлган деҳқонларимиз жонажон совет ҳукуматидан ва шонли большевиклар партиясидан бениҳоя миннатдордирлар.

Аммо, ҳали кўпгина колхоз ҳамда қишлоқларда кутубхона ва қироатхоналар етарли миқдорда ташкил этилмаган. Айрим кутубхона ва қироатхоналар колхозчиларимизнинг кундан-кун ўсаётган талабларига жавоб беролмайди. Шу йил май ойида бўлиб ўтган ВКП(б) Москва комитетининг пленуми яқин иккиуч йил ичида ҳамма колхозда яхши ва обод клуб, қироатхона ва киноустановка бўлишига эришиш вазифасини қўйди. Москвалиларнинг бу ташаббусини мамлакатимизнинг ҳамма қишлоқларида қўллаб-қувватламоқда. Республикамизнинг колхозчилари учун янги клуб, қироатхона, кутубхона очиш, киноустановкалар ўрнатиш жуда ҳам муҳимдир. Область, район партия, совет ва комсомол ташкилотлари москвалиларнинг бу ажойиб ташаббусини кенг пропаганда қилишлари ва уни республиканинг ҳамма қишлоқ ва колхозларида қўлланиш учун бутун тадбирларни кўришлари лозим.

Колхозчиларни коммунистик руҳда тарбиялашда лекция пропагандаси алоҳида аҳамиятга эгадир. Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Ўзбекистон жамияти, область, шаҳар ва район партия комитетларининг лекторлари, маданий-оқартув муассасаларининг марказий ва область лекторлар бюроси ҳамда район лекторлар группаси кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида қўплаб лекция уюштириб, жуда яхши иш қилмоқдалар. Аммо улар лекцияларнинг кўпчилик қисмини шаҳарларда, лекторларга яқин жойлардагина ўтказадилар, қишлоқ аҳолиси ўртасида мунтазам равишда ва хилма-хил темаларда лекция ўтказиш ишига етарли эътибор бермайдилар. Баъзиларки, қишлоқ жойларда ҳам халқаро аҳволга, илғор Мичурин агробиологияси, колхоз тузумининг мустаҳкамланиши, колхозларни ташкилий хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш, кичик колхозларни бирлаштириш, жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш, табиатни ўзгартириш сталинча планини амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини бундан кейин ҳам машиналаштиришга доир лекцияларни кўплаб ўтказиш керак эди.

Фарғона область маданий-оқартув бўлимининг маданият уйи (директори Ўртоқ Леучев), Тошкент область Калинин район маданият уйи (директори Ўртоқ Худойбердиев) ўз ишини яхшилашда, турли темаларда лекциялар ўтказишда, консультация ва суҳбатлар ташкил қилишда, ҳавасқорлар тўгаракларининг ишини яхшилашда анча дуруст натижаларга эришди. Андижон область Ойим район кутубхонаси (мудири Ўртоқ Кузнецова) аҳолига жуда яхши хизмат кўрсатмоқда. Аҳолига яхши хизмат қилаётган маданият уйлари, саройлари, клуб ва қироатхоналар сонини кўплаб келтириш мумкин.

Аммо, ҳамма жойда ҳам иш яхши қўйилган деб айтиб бўлмайди. Иштихон, Оқдарё, Норин, Пискент, Ховос районларининг маданият уйлари жуда ҳам ёмон ишламоқда. Бу маданият уйлари фақатгина кино кўрсатадиган жойга айланиб қолган. Аҳолига кино кўрсатиш жуда яхши нарса. Аммо маданият уйларининг вазифаси фақат кино кўрсатиш билангина чекланмайди. Маданият уйлари ҳақиқий маданият ўчоғига айланмоғи керак. Маданият уйларида турли темаларда чуқур-мазмунли, юксак савияли ва оммабоп лекциялар мунтазам равишда ўтказиб турилиши, консультация ва суҳбатлар уюштирилиши, ҳавасқорлар тўгаракларининг ишлари ҳартарафлама ривожлантирилиши керак. Маданият уйлари хилма-хил маданий ишлар олиб боргандагина халқимизнинг ҳамон ўсаётган талабига тўла жавоб берган бўлаолади.

Қишлоқда физкультура ва спорт ишларини ҳартарафлама ривожлантириш қишлоқда олиб борадиган маданий-оқартув ишларимизнинг муҳим ва ажралмас бир қисмидир. Сўнгги йилларда кўпгина қишлоқ физкультура коллективлари тузилди. Улар муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бу коллективларнинг ишлари колхозчиларимизнинг физкультура ва спортга жуда ҳам қизиққанликларини кўрсатади. Маданий-оқартув муассасалари бу қизиқишни унутмасликлари, физкультура коллективларининг ишларидан четда қолмасликлари керак. Улар физкультура ва спорт ишларини ҳартарафлама ривожлантиришлари, колхозчилар ўртасидаги жисмоний тарбияга бўлган интилишни рағбатлантиришлари лозим. Физкультура коллективларининг ишларига ёрдам бериш, физкультура ва спорт ишлари область ва район бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш зарур.

Республикамиз пахтакорлари бу йил давлатга ҳар йилдагидан ҳам кўпроқ пахта ҳосили топшириш учун курашмоқдалар. Маданий-оқартув муассасалари, шунингдек партия, совет ва комсомол ташкилотларининг лекторлари пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун кенг колхозчилар оммасини сафарбар қилишда жуда катта роль ўйнашлари керак. Улар пахтакорларимизни улуғ Сталин олдида олинган мажбуриятни бажаришга сафарбар қилишлари керак. Ҳосили учун курашнинг ҳозирги ҳал қилувчи кунларида агитаторларимиз, пропагандистларимиз, лекторларимиз, партия, совет, комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари пахта далаларига, дала шийпонларига бориб Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг барча пахтакорларга қарата ёзган Мактубини кенг тушунтириб беришлари, уларни юқори ҳосил учун курашга илҳомлантиришлари, стахановча тинчлик вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилишга даъват этишлари лозим.

Маданий-оқартув муассасаларининг ишларини яхши йўлга қўйишда малакали кадрлар етиштириш вазифаси ало ҳида ўрин тутади. Бинобарин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги маданий-оқартув муассасалари комитети ва унинг область бўлимлари юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ва уларни ҳартарафлама ўқитиш, ўргатиш, чиниқтириш ишларига алоҳида эътибор қилишлари зарур.

Қишлоқдаги маданий-оқартув ишлари миллионларча деҳқонлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялашнинг таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам қишлоқдаги маданий-оқартув ишларимиз колхозчиларимизнинг кундан-кун ўсаётган талабларига жавоб бериши, социалистик қишлоқ хўжалигимизни янада ривожлантириш учун, мамлакатимизда коммунизм қурилишини тезлатиш учун хизмат қилиши керак.

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

Ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Украина ССР Кировоград областининг колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари Сизга ёзган мактубларида олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашиб, ғалла тайёрлаш давлат планини (жўхоридан ташқари) муддатидан илгари 4 августда бажарганликларини ва эртаги дон экинлари йиғим-теримини тамомлаганликларини Сизга маълум қиламиз.

Озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш плани 112 процент, шу жумладан бугдой тайёрлаш плани 126,7 процент бажарилди. Бу йил давлат тайёрлаш пунктларига 1949 йилдагига қараганда 6 миллион 104 минг пуд кўп бугдой топширилди. МТСларнинг қилган ишлари учун счетлар бўйича давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Областьнинг колхоз ва совхозлари кузги ва баҳори экинлар уруғини тўла ғамлаб қўйдилар, шунингдек эҳтиёт фондларини ҳам жамғариб қўйдилар.

Колхозчилар чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш юзасидан катта ишлар олиб боромоқдалар. Колхоз ва совхозлар жамоат чорвачилиги учун ем-хашак фондлари жамғармоқдалар.

Бу йил колхозчилар меҳнат кунларига урушдан кейинги ҳамма йиллардагига нисбатан анча кўп ғалла оладилар.

Қишлоқ хўжалик ходимлари кунгабоқар, жўхори, қанд лавлаги ва чопиқ қилинадиган бошқа техника экинларини йиғиштириб олишга, кузги экишни, кузда дарахт ўтқазишни юқори сифатли қилиб бажаришга тайёрланмоқдалар, шунингдек 1951 йилда баҳори экинлар экиладиган ҳамма ерларни шудгорлашга киришдилар.

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Сизга ваъда бериб айтамизки, колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари жўхори, кунгабоқар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планини муддатидан илгари бажариш учун бутун куч-қувватларини сарфлайдилар.

Областимизнинг меҳнаткашлари Ленин—Сталин партияси раҳбарлиги остида бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик учун, мамлакатимизда коммунизм жамиятини тезроқ қуриш учун, шонли Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун курашга бундан буён ҳам тайёрдирлар.

Украина К(б)П Кировоград область комитетининг секретари В. ПОЗАНЕНКО.
Меҳнаткашлар депутатлари Кировоград область совети ижроия комитетининг раиси Р. КОМЯХОВ.
Тайёрлаш министрлигининг Кировоград областидаги вакили С. ГВОЗДЕЦКИЙ.
Кировоград область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи И. КОБИЛЬСКИЙ.

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

Ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Украина ССР Измаил областининг колхоз ва совхозлари ғалла тайёрлаш давлат планини (жўхоридан ташқари) муддатидан илгари бажарганликларини Сизга хурсандчилик билан маълум қиламиз. Бугдой топшириш плани 100,2 процент бажарилди. Бу йил давлатга дон экинлари маҳсулоти ўтган йилдагига қараганда 1 миллион 450 минг пуд, бугдой эса 3 миллион 586 минг пуд кўп топширилди. Областьнинг колхоз ва совхозлари бошқоли экинлар ўрим-йиғимини тамомладилар ва кузда ҳамда баҳорда экиш учун етарли уруғ ғамлаб қўйдилар.

МТСларнинг қилган ишлари учун натура ҳақи ҳисобига давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Измаил областининг колхозчилари, совхоз ва МТС ишчилари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассислари Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиб, 1950 йилги ҳосилдан жўхори топшириш давлат планини ҳам муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олдилар.

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Сизга ваъда бериб айтамизки, биз бу мажбуриятни ҳам шараф билан бажарамиз

Украина К(б)П Измаил область комитетининг секретари А. ФЕДОРОВ.
Меҳнаткашлар депутатлари Измаил область совети ижроия комитетининг раиси М. КУЗЬМЕНКО.
Тайёрлаш министрлигининг Измаил областидаги вакили П. ВДОВИЧЕНКО.
Измаил область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Е. ШАПОВАЛОВ.

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

Ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Украина ССР Закарпат областининг колхозлари, совхозлари ва деҳқон хўжаликлари ғалла тайёрлаш давлат планини (жўхоридан ташқари) муддатидан илгари бажарганликларини Сизга маълум қиламиз. Бугдой тайёрлаш плани 109,4 процент бажарилди.

Областьнинг колхоз ва совхозлари кузда ва кўкламда экиш учун ўзларини уруғ билан тўла таъминладилар.

МТСларнинг қилган ишлари учун счетлар бўйича давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Украина К(б)П Закарпат область комитетининг секретари И. КОМПАНЕЦ.
Меҳнаткашлар депутатлари Закарпат область совети ижроия комитетининг раиси И. ТУРЯНИЦА.
Тайёрлаш министрлигининг Закарпат областидаги вакили С. ШАБРАНСКИЙ.
Закарпат область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи И. ЗДОРОВЕЦ.

Совет иттифоқи — тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда қудратли таянчдир

☆ ☆ ☆

Шахтёрларнинг янги муваффақияти

ОҲАНГАРОН. (ЎзТАГ). 9-нчи шахтанинг Николай Сенченко бошлиқ кўмир ортучилар бригадаси стахановча тинчлик вахтаси кунларида меҳнат соҳасида янги муваффақиятга эришди.

Николай Сенченко 7 августда, Валерий Соболев билан бирга, юқорига 60 тонна кўмир чиқарди. Шу билан смена топшириғини беш марта ошириб бажарди. Бригаданинг аъзоларидан Жўрабоев ва Валиев ўртоқлар смена топшириғини уч баравар ошириб адо этдилар.

— Стахановча меҳнатимиз, — тинчлик учун, социалистик Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига қўшган ҳиссамиз бўлади, — дейди ўртоқ Николай Сенченко. — Пландан ташқари кўмир чиқариш билан Стокгольм Мурожаатига қўйган имзомизни мустаҳкамлаймиз.

Бутун коллектив стахановча ишламоқда

Тошкентдаги металл буюмлар заводининг коллективи пахта мўл ҳосили учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшмоқда. Стахановча тинчлик вахтаси кунларида заводнинг ишчилари, инженер ва техниклари пахта йиғим-терими учун зарур буюмлар ишлаб чиқаришни бирмунча кўпайтирдилар.

Механика цехининг станокчилари пахта териш машиналари учун ҳар куни пландан ташқари юзларча деталь ишлаб чиқармоқдалар. Улар тинчлик вахтаси кунларини ҳамма станокларни жадал иш сур'атларига кўчириш билан нишонладилар. Коммунист Виталий Хомин пахта териш машинаси учун зарур шестерняларни жадал ишлаш усулини қўллаб, белгиланган нормани тўрт марта ошириб бажарабошлади.

Фрезерчилардан Александр Мячин ва Владимир Чекуров қимматли ташаббус бошлаб бердилар. Улар айни бир вақтда учтадан станокка хизмат қилмоқдалар. Уч кишининг ишини бажаётган бу стахановчилар иш унумини ошириш билан, маҳсулот сифатини ҳам яхшиладилар.

Благомерлар йиғишда ишловчи слесарьлар меҳнат унумини кескин оширдилар. Фонарь ва колхозлар учун зарур бўлган бошқа асбоблар ишлаб чиқариш сур'ати ҳам оширилди.

Завод коллективи тинчлик вахтасида шараф билан меҳнат қилиб, шу кунларда кунлик топшириқни бир ярим марта ошириб бажармоқда. (ЎзТАГ).

Стахановча вахтада

Наманган шаҳридаги Киров номли артель ҳунармандлари фидокорона меҳнат қилиб, тинчлик ишига муносиб ҳисса қўшаётирлар. Улар америка империалистларининг Қуриядаги босқинчилик урушига қарши, стахановча вахтада туриб, маҳсулот ишлаб чиқаришни тоборо кўпайтириб, меҳнат унумини кун сайин ошираётирлар.

Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Стокгольм Мурожаатига яқдиллик билан қўл қўйган артель ишчилари Октябрьолди социалистик мусобақасини қизитиб юбордилар.

Артель ҳунармандлари йиллик планни 7 ноябрьгача ошириб бажариш мажбуриятини олган эдилар. Ҳунармандлар ғайрат билан ишлаётганликлари туфайли артель ярим йиллик планни 112, июль ойи планини 119 процент қилиб бажарди. Июль ойи планини 123 процент бажарган ўртоқ Парпибоев бошлиқ цехнинг ишчилари тинчлик учун иш унумини кун сайин ошираётирлар. Цехнинг илғор ҳунармандларидан Нуриддин Сулаймонов, Акбар Ёқубов ва Холмирза Охунжоновлар ўз нормаларини кунига 250—300 процентдан ошириб бажараётирлар.

Ҳунармандларнинг ҳиссаси

Стокгольм Мурожаатига яқдиллик билан қўл қўйган Наманган шаҳридаги «Шарқ» артелининг ҳунармандлари Улуғ Октябрь байрамининг 33 йиллигини кунигача йиллик планни бажариш ва пландан ташқари 32 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдилар.

Стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлаётган пахта тозалаш цехининг аъзоларидан намуна олган кондитер цехининг коллективи ҳам августга ойи планини 125 процентга етказиб бажариш учун курашмоқда. Кондитер цехининг стахановчи мастери Ўртоқ Мусабоев маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, бошқа ишчиларга намуна бўлмоқда.

Г. РАҲИМОВ.

Дастлабки натижалар

Қашқадарё область, Шаҳрисабз район пилла уруғи тайёрлаш заводининг коллективи мавсум бошида ипак қуртдан сифатли пилла ҳосили олиш ҳамда уруғ тайёрлаш планини муддатидан аввал ошириб бажариш юзасидан Самарқанд пилла уруғи заводи коллективини социалистик мусобақага чақирган эди. Завод коллективи мусобақада ғолиб чиқиш учун курашиб, 1950 йилда тутилган ҳар бир қути ипак уруғидан 77,5 килограммдан а'ло нав' пилла ҳосили олишга, ёки уруғлик пилла тайёрлаш йиллик планини 108 процент қилиб бажаришга муваффақ бўлди.

Завод уруғ тайёрлаш ишини ҳам пухта ҳозирлик билан бошлаб, ажойиб ютуқларга эришаётир. Коллективдаги ишчи, хизматчи ва техник ходимлар атом қуролини тақиқлаш ҳақидаги Стокгольм Мурожаатини яқдиллик билан қабуллаб, Совет ҳукуматининг ленинча-сталинча тинчлик сиёсатига жавобан, тинчлик вахтасида туриб ҳарқачонгидан ҳам унумли ишлаш ва 7.000 килограмм пилладан капалак очириб, 20.000 қути уруғ тайёрлаш йиллик планини муддатидан камида 2 ой илгари бажаришга ваъда берган эдилар. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун ғайрат билан меҳнат қилиб, июль ойи уруғ тайёрлаш планини 20 июльдаёқ 126 процент қилиб адо этдилар.

Заводнинг Князева, Сулаймонова, Новичкова, Хисматуллина ўртоқлар ва бир ўнлаб стахановчилари тинчлик вахтасида туриб, унумли меҳнат қилаётирлар. Бу илғор ватанпарварлар бир килограмм пилладан нормадаги 2,8 ўрнига 3 ва 3,2 қутидан уруғ тайёрлаб, кунлик топшириқни 110 дан 150 процентга қадар етказиб бажармоқдалар.

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИ ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

ФАРҒОНА. (ЎзТАГ). Республикада йирик пиллачилик области ҳисобланган Фарғона областининг колхозлари давлатга пилла топшириш йиллик планини бажардилар. Бу йил бултургига қараганда анча кўп пилла топширилди.

Ёзда такрорий боқилган қуртдан пилла топшириш давом этмоқда.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ШАРАФИГА

Меҳнат унуми ошмоқда

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли Тошкентдаги чўян қуйиш заводининг коллективи ярим йиллик планни 106,3 процент бажариб, пландан ташқари қарийб 600 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Завод коллективининг меҳнат унуми шу вақт ичида ўтган йилдагига қараганда 14,9 процент ошди, маҳсулот таннархини камайтириш плани эса 125 процент бажарилди.

Завод коллективи эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, июль ойи планини ҳам 110 процент бажарди. Стокгольм Мурожаатига жавобан стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлаётган завод коллективи Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнат унумини тоборо оширмоқда.

Июль ойи якунлари бўйича ойлик планни 115 процент бажариб, мусобақада биринчиликни олган механика цехининг меҳнатсевар ишчилари август ойининг дастлабки 5 куни ичида пахта терадиган машиналар учун пландан ташқари икки ярим минг сўмлик асбоб тайёрлаб бердилар. Цехнинг Карямов, Андрюшенко ўртоқлар ваби илғор токарьлари смена топшириқларини 250 процентга етказиб бажараётирлар.

Қуйиш ва қозон цехларининг коллективлари ҳам стахановча ишлаётирлар. Пиллик программасини 1 августгача бажарган ўртоқ Икром Анорбоев бошлиқ қозончилар бригадаси йил охиригача яна бир йиллик нормани бажариш учун курашмоқда.

М. САИДОВ.

Илғор пристань коллективининг муваффақияти

Қорақалпоғистон АССР Хўжайли пристанининг коллективи Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси шарафига тинчлик вахтасида туриб, катта муваффақиятларга эришди. Коллектив ички имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиб ярим йиллик юк ортиш планини 130 процент бажарди.

Кемачилар июль ойида ҳам илғорликни қўлдан бермасдан, фидокорона ишладилар. Натижада, илғор пристань коллективи 7 ойлик планини муддатидан 10 кун илгари адо этди.

Коммунист ўртоқ Маҳмудов капитанлик қилаётган «ВЛКСМ XX йиллиги» пароходининг командаси Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, ойлик планини 15 кунда бажарди.

«Фрунзе» пароходининг ва «Хоразм», «Андижон», «Мўйноқ» баржаларининг командалари ҳам юк ортиш планини ой сайин ошириб бажармоқдалар.

Пристань коллективи 1950 йил юк ортиш планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 33 йиллиги кунигача ошириб бажариш ва бирнеча юз тонна ёқилғи тежаш мажбуриятини олиб, рентабель ишлаётир. Амударё давлат пароходчилигига қарашли пристаньлар орасида бошланган Октябрьолди мусобақасида Хўжайли пристани коллективи олдинда бормоқда.

А. ЭШМАТОВ.
Ҳ. ОТАМУРОДОВ.

Термиз саноат корхоналарининг мусобақаси

Шаҳардаги саноат корхоналари ва ҳунармандчилик артельларида Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси шарафига бошланган социалистик мусобақа кун сайин кучаймоқда.

Шаҳар электр станциясининг коллективи (директори Ўртоқ Голованов) меҳнат унумини тоборо ошириб, катта ютуқларга эришаётир. 1950 йил бошидан буён Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигининг кўчма қизил байроғини ўзида сақлаб келаётган бу коллектив бешйиллик ишлабчиқариш планини муддатидан олдин бажариб, ярим йил ичида пландан ташқари бирнеча юз киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарди.

Энергиячилар йиллик планни 7 ноябргача бажариш ва йил охиригача пландан ташқари 300 минг киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқариш учун Қўқон шаҳар электр станцияси коллективи билан мусобақалашиб ишламоқдалар.

Гўшт комбинатининг коллективи (директори Ўртоқ Береговой) Октябрьолди мусобақасида яхши натижаларга эришмоқда. Комбинат гўшт тайёрлаш ярим йиллик планини 200 процент ва ёғ ишлабчиқариш планини 133 процент адо этди.

1950 йилнинг II кварталида шаҳар саноат корхоналари ўртасидаги мусобақада биринчиликни олган бу коллективга яқинда шаҳар Совети ижроия комитети ва шаҳар партия комитетларининг кўчма қизил байроғи тақдим этилди. Улар бу байроқни йил охиригача сақлаб қолиш учун астойдил курашмоқдалар.

Июнь ойида пландан ташқари 20.000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган «Родина» ҳунармандчилик артелининг ишчи, хизматчилари йил охиригача пландан ташқари 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар.

Сон-саноқсиз табриклар

Ўртоқ И. В. Сталиннинг 70 ёшга тўлганлиги муносабати блан унга сиҳат-саломатлик ва узоқ йиллар умр тилаб, самимий истакларини изҳор қилиб, қуйидаги ташкилотлар табрикномалар юбордилар:

Ростов область, Кашарск районидаги «Индустрия» колхозининг а'золари;

Ейск мева-сабзавот совхозининг ишчилари ва хизматчилари коллективи;

Ригадаги «Саркана Балтия» трикотаж фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Электр станциялар министрлигига қарашли Кузнецк-механика заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Ростов областидаги Зерноградск механика заводининг ишчилари ва мутахассислари;

РСФСР Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли «Росглавпатока» Хоботовск крахмал-шинни заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Каменск шаҳридаги «Авангард» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Коломнадаги оғир машинасозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Тюмень областидаги Березовск балиқ заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Бурят-Мўғулистон АССР, Клюев тахта тилиш заводининг ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари;

Ригадаги химия-фармацевтика заводининг ишчилари, хизматчилари ва мутахассислари коллективи;

Грозний вагон депоси ва участкасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Вологда тери заводининг ишчилари, хизматчилари, инженерлари ва техниклари коллективи;

Боку пиво заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Астраханьдаги С. М. Киров номли кемасозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Харьковдаги «Осоавиахим» тикучилик фабрикасининг ишчилари, хизматчилари, инженерлари ва техниклари коллективи;

Горький сут комбинатининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Ленинград шаҳридаги 1-нчи Лепгазаппарат заводининг ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари;

Бароновичи областидаги картон фабрикасининг ишчилари ва хизматчилари;

Олтой зонал мевачилик, резаворлик тажриба станцияси тажриба-ишлабчиқариш хўжалигининг ишчилари ва мутахассислари, Барнаул шаҳри;

Озарбайжон ССР, Агдам районидаги Азизбеков номли колхознинг а'золари;

Горький область, Балахна районидаги Ворошилов номли колхознинг а'золари;

Брянскдаги қишлоқ хўжалик техникумининг студентлари, ўқитучилари коллективи;

Харьков область, Старо-Салтовск районидаги «Прогресс» колхозининг а'золари;

Озарбайжон ССР, Шемахи районидаги «Красний Октябрь» колхозининг а'золари;

Молодечно областидаги «Заготзерно» Княгинск пунктининг ишчилари ва хизматчилари коллективи;

Харьков область, Савинск районидаги «Красний доброволец» колхозининг а'золари;

Брест областидаги Високов МТСининг ишчилари ва хизматчилари, тракторчилари ва комбайнчилари;

Новосибирск областидаги Изирак МТСи ишчилари ва хизматчиларининг коллективи;

Одесса шаҳридаги Дзержинский номли завод ҳузуридаги болалар боқчасининг болалари ва тарбиячилари;

Харьков шаҳридаги велосипед заводи ҳузуридаги 23-нчи болалар боқчасининг тарбиячилари ва болалари;

Новосибирск марказий телеграф ходимларининг коллективи;

Новосибирск индустриал техникумининг ўқучилари, ўқитучилари ва ма'мурий-техник ходимлари;

Куйбишев область, Пестравск районидаги Високинск 3-нчи болалар уйининг болалари ва тарбиячилари;

Рига шаҳридаги «Мерино» тўқимачилик фабрикасининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари коллективи;

Сталинград областидаги Ленинск ўрта мактабининг ўқитучилари, ўқучилари ва комсомоллари;

Львовдаги металл ишлаш заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Новороссийск вагон-ремонт заводининг ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари;

Херсондаги ёнғинга қарши ускуналар ишлаб чиқаручи заводнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Махачқаладаги Ермошкин номли бочка-идиш заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Вологда тош-тарози ремонт заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Таганрогдаги балиқ заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Москвадаги углекислота заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

«Труд» кўнгилли спорт жамияти Москва область Советининг ўқитучилари ва инструкторлари, ишчи ва хизматчилари;

Химия саноати министрлигига қарашли Ленинград регенератор заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Пинск шаҳри адлия органларининг ходимлари;

Рязаньдаги профессор П. А. Костичев номли қишлоқ хўжалик институти профессорлари, ўқитучилари, студентлари, ишчилари ва хизматчиларининг йиғилиши;

Тожикистон ССР Маориф министрлиги марказий аппарати ишчилари ва хизматчиларининг республика пойтахтидаги мактабларнинг раҳбар ходимлари блан бирга ўтказилган йиғилиши;

Ульяновск областидаги Гладишев номли мовут фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Олмаота ветеринария-зоотехника институтининг илмий ходимлари, студентлари, ишчилари ва хизматчилари коллективи;

Ростов область, Аксайск районидаги «Красний хлебороб» колхозининг а'золари;

Краснодар ўлкаси, Северск районидаги «Память Ленина» колхози а'золарининг тантанали йиғилиши;

Могилев областидаги Костюкович МТСининг ишчилари, тракторчилари, комбайнчилари, хизматчилари;

Ленинград телевизион маркази ходимларининг коллективи;

Эстония ССР давлат рус драма театрининг коллективи;

Куйбишев шаҳридаги Куйбишев номли педагогика ва ўқитучилар институтининг профессорлари, ўқитучилари, студентлари ва хизматчилари коллективи;

Новосибирск область, Татарск районидаги Троицк сельпоси ходимларининг коллективи;

Фарғонадаги 2-нчи йигирув-тўқув фабрикасининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Арманистон Совет ёзучилари союзи правлениесининг пленуми.

Ростов область, Селиванов районидаги Верхне-Свечников МТСининг ишчилари, тракторчилари, комбайнчилари, трактор бригадаларининг бошлиқлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва хизматчилари;

Пенза область, Николо-Пестравск районидаги «Красний партизан» колхозининг а'золари;

Сталинград область, Николаевск районидаги Жданов номли колхознинг а'золари;

Минск область, Борисов районидаги «Белорусский партизан» колхозининг а'золари;

Ворошиловград область, Старобельск шаҳридаги хотин-қиз активларининг йиғилиши;

Бобруйск область, Слуцк районидаги «Пролетарии» колхози а'золарининг умумий йиғилиши;

Ўзбекистон металлургия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Тамбов областидаги 1-нчи Кирсанов ўрта мактабининг комсомоллари, пионерлари, ўқучилари ва ўқитучилари коллективи;

Саратов область, Макаров районидаги «Путь Коминтерна» колхозининг а'золари;

Нахичеван АССР физкультура ва спорт ишлари комитети ходимларининг коллективи;

(Табрик телеграммалари рўйхатининг давоми газетамизнинг келгуси сонларида босилади).



Тошкентдаги картография фабрикаси янги ўқув йилига иккиюз мингдан ортиқ география атласи тайёрлаб чиқаради. **Суратда:** редактор **В. А. Чернишева** тайёр география карталарини текшириб кўрмоқда.

А. Ашкинезер фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Бухоро областида

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ЯНГИ МУТАХАССИС КАДРЛАР

Бухородаги қишлоқ хўжалик техникумини бу йил 105 киши битириб чиқди. Булардан 45 киши далачилик, 15 киши ипакчилик агрономлари, 45 киши зоотехниклик ихтисосига эга бўлдилар.

Яқинда бу техникумнинг ташкил этилганига 25 йил тўлади. Шу давр ичида техникум республикамизнинг қишлоқ хўжалигига 700 дан ортиқ ўрта ихтисосли мутахассис тайёрлаб берди. Булардан кўпчилиги раҳбарлик вазифаларда ишламоқдалар ва олий ўқув юртларида та'лим олмоқдалар.

«АЛПОМИШ» ПЬЕСАСИ ОБЛАСТЬ ТЕАТРИ САҲНАСИДА

Музикали драма театрининг ижодий коллективи Яшин ва Амин Умарийнинг «Ҳамза» номли пьесасидан кейин Собир Абдулланинг «Алпомиш» драмасини саҳнага қўйди.

«Алпомиш» музикали драмасини саҳналаштиришда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби, рассом Ш. Шораҳимов ва Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист, балетмейстер Назарзода ўртоқлар яхши хизмат қилдилар.

МАШИНА-ЧОРВАЧИЛИК СТАНЦИЯЛАРИ

Областьнинг Томди ва Ғиждувон районларида янги машина-чорвачилик станцияси ташкил қилинди. Томди район машина-чорвачилик станцияси Томди ва Конимех районларидаги. Ғиждувон машина-чорвачилик станцияси Ғиждувон, Рометон, Пешку, Вобкент районларидаги колхоз чорвачилик фермаларига хизмат кўрсатади.

ЯНГИ ЯЙЛОВЛАР

Бухородан 600 километр масофадаги «Бузоқбой» массивида чорва моллари учун янги яйлов ташкил этилди. Шунингдек, Қизилқум саҳросининг этакларида ташкил этилган янги яйловларда ҳам қўтонлар қилинаётир.

Бу яйловларда 6 та райондаги колхозларнинг қоракўл қўйлари боқилади. Янги яйловларда ишлаётган чўпонларга область матлубот кооперацияси союзи автомашиналарда турли саноат моллари юбориб турмоқда.

КОЛХОЗДА ЎРТА МАКТАБ БИНОСИ

Свердлов районидаги энг йирик пахтакор «Маданият» колхозининг марказий жойида янги ўрта мактаб биноси қурилди. Колхоз правлениеси мактаб учун янги парта, доска ва мебельлар заказ қилди.

С. КАРИМОВ.

П А Р Т И Я Т У Р М У Ш И

Ўз савияларини оширмаётган раҳбарлар

Коммунист А. Жирнов бундан 3—4 йил илгари Самарқанд шаҳар партия комитетида бўлим мудири вазифасида ишлади, кейинчалик Ўзбекистон К(б)П Комсомол район комитетининг иккинчи секретарьлигига ҳам кўтарилди. Ўртоқ А. Жирнов ҳар доим «мен ўз устимда мустақил равишда ишлаяпман, турмушдан сра кейинда қолаётганим йўқ, жойларда лекциялар ўқияпман, суҳбатлар ўтказаяпман», деб ҳаммани ишонтирар эди.

Ўртоқ А. Жирнов бирнеча вақт район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ҳам ишлади. Уни бу ишга тавсия этган ба'зи ўртоқлар орасида: «Жирнов яхши ходим, савияси ўткир, у энди ўз қобилиятини ҳартарафлама кўрсатаолади», деганлар ҳам бўлди. Аммо кўп ўтмай улар ўзларининг бу сўзларидан воз кечдилар. Район партия комитетининг секретари каби мас'улиятли, мустақил ишда ўртоқ Жирнов ўзини сиёсий савияси анча паст, омма блан ишлайолмайдиган, ташкилотчилик қобилияти бўлмаган ходим сифатида кўрсатиб қўйди. Районда хўжалик-сиёсий вазифаларнинг аксарияти бажарилмади. Ба'зи партия, совет ва колхоз ходимлари ўртасида берилган топшириқларни бажармаслик, ишга бепарволик блан қараш, мас'улиятсизлик ҳукм сурди. Юз берган хатолар ўткир большевистик танқид асосида очиб ташланмади, эскилик қолдиқларига қарши кураш олиб борилмади.

Район партия комитетининг секретарьлиги вазифасидан озод этилган ўртоқ Жирнов ҳозир «Заготзерно» Самарқанд базасининг директори бўлиб ишлайди. Ғалла тайёрлаш мавсумидан бўлак вақтларда ўртоқ Жирнов иш блан унча банд бўлмайди. Демак ўқиш, мустақил ишлаш, савияни кўтаришга вақт ҳам, имконият ҳам бор. Афсуски, коммунист Жирнов «ўз устимда мустақил ишлаяпман» деган баҳона блан ҳамон ўзини юпатиб, район партия комитетини алдаб келади.

Самарқанд шаҳар партия ташкилотида ўзининг билим даражасини, сиёсий савиясини оширишга ҳаракат қилмаётган, турмушдан орқада қолиб келаётган раҳбар ходимлар оз эмас. Шуниси таажжубланарлики, шаҳар ва район партия комитетлари ҳам бундай коммунистларни партия йиғилишларида қаттиқ танқид қилиш ўрнига, улар блан муросасозлик қилишни, насиҳатгўйликни афзал кўрадилар.

Самарқанд гўшт комбинати бошланғич партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни ўрганиш тўгарагига жалб этилган 10 коммунистдан 9 киши ўқишни муваффақият блан тамомлади. Тўгаракни яхши, а'ло баҳолар блан тамомлаган коммунистлардан Левиев, Жамилов, Ҳавасовлар марксизм-ленинизм кечки университетига, Сосунов ва Аванесовлар эса район партия мактабига кирдилар. Оддий ишчилар, мастерлар ўз савияларини тинмай кўтараётганликларини кўриб турган комбинат директори коммунист Собиров блан комбинат бошланғич партия ташкилотининг секретари Рогова ўртоқларнинг мутлақо ўқимаётганликлари кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Бундан бирнеча вақт аввал ўртоқ Собиров областьдаги хўжалик ташкилотларидан бирида раҳбар ходим бўлиб ишлар эди. Ундан «нега ўз назарий билим савиянгизни оширмайсиз, ўқимайсиз?» деб сўралганда, у:

«— Кеча-кундуз районларда бўламан. Ўқишга сра ҳам фурсатим йўқ. Қани энди бир жойдан қимирламайдиган иш бўлсаю, жоним блан ўқирдим», деган баҳоналарни қилиб келарди. Ўртоқ Собиров Комбинатга директор бўлганидан кейин ҳам иш блан жуда «банд»лигини баҳона қилиб, ўз устида мустақил равишда ҳам ишламайди, тўгарак машғулотларига ҳам қатнашмайди.

Ўз билим савияларини ошириш устида ишламаётган раҳбар ходимлар қаторига Сиёб районидаги давлат тегирмонининг директори Азимов, «Комбинат» артелининг раиси Шарипова, Киров номли артельнинг раиси Шиф, халқ судьяси Раҳматов, кўн заводи директорининг ўринбосари Прохоров, лимонад заводининг директори Муқимбоев ўртоқларни киритиш мумкин.

«Ўзбеквино» базасининг директори Вартанов блан район омонат кассасининг мудири Черкашин каби коммунистларнинг район партия мактабидан ҳархил баҳоналар блан кетиб қолганликлари ажабланарлидир. Бу ҳақда Темирйўл район партия комитетида анчадан бери гапирилади. Район партия комитети Вартановни бу тўғрида бирнеча бор қаттиқ огоҳлантирган бўлса ҳам лекин натижа чиқмади.

Сиёсий билимлари паст бўлиши, назарий тайёргарликларининг етарли даражада эмаслиги натижасида ба'зи раҳбар ходимлар, хусусан айрим корхона раҳбарлари ўз коллективларидаги ишчи-хизматчилар ўртасида сиёсий-хўжалик вазифаларини ўз ичига олган темаларда лекция, доклад ва суҳбатлар ўтказишдан ўзларини четга тортиб келдилар. Район партия комитетларининг пропаганда ва агитация бўлимлари бундай коммунист раҳбарларга коллектив ўртасида доклад ёки лекция қилиш учун темаларни, ҳатто зарур адабиётларни ҳам танлаб берадилар, аммо бундай лекция ва докладларнинг ўтган ўтмаганини ҳечким суриштирмайди.

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилининг якуни Темирйўл ва Сиёб районларида бу муҳим ишга аввалги йиллардагига нисбатан жиддий э'тибор берилаётганини кўрсатди. Ҳар иккала райондаги партия мактабларини, «ВКП(б) тарихи қисқа курси» ва доҳиларимиз В. И. Ленин, И. В. Сталин таржимаи ҳолларини ўрганиш тўгаракларини жуда кўп коммунистлар ва партиясиз активлар муваффақиятли тугалладилар. Темирйўл районидаги паровоз депоси партия ташкилоти ҳисобидаги (секретари ўртоқ Абижаев) 156 коммунистдан 149 киши ҳар турли тўгаракларга, район партия мактаби ва марксизм-ленинизм кечки университетига жалб этилган. Ўқиш йили давомида деподаги 3 та сиёсий мактаб, «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни ўрганиш юзасидан ташкил этилган 3 та тўгарак ва доҳиларимизнинг таржимаи ҳолларини ўрганиш тўгаракларида машғулотлар юксак ғоявий савияда давом этди.

Аммо, ишдаги бу муваффақиятлар ҳар иккала район партия комитетларининг раҳбар ходимларни тарбиялаш, уларнинг назарий-сиёсий савияларини тинмай кўтаришдаги хатоларини ювиб кетаолмайди.

Темирйўл ва Сиёб район партия комитетларининг бу соҳада йўл қўйган хатолари шундаки, улар раҳбар ходимларнинг ўқиши масаласи блан муттасил шуғулланмайдилар. Ўз устида ишламаётган айрим раҳбар ходимларнинг ҳисобини бюро мажлисларида эшитмайдилар, ўқишдан бош тортучиларга, ўсишни истамовчиларга нисбатан «раҳмдиллик» қиладилар.

Раҳбар ходимларнинг ўқиши, уларнинг назарий сиёсий савиясини ошириш, уларни чиниқтириш каби муҳим масалалар партия ташкилотининг диққат марказида бўлиши лозим. Темирйўл ва Сиёб район партия комитетлари раҳбар кадрларнинг сиёсий савиясини ошириш масаласига жиддий э'тибор беришлари керак.

М. АШУРОВ.

Коммунистлар мўл ҳосил учун курашаётирлар

Наманган область, Наманган район, Тошбулоқ қишлоқ советидаги «Ижтимоиёт» колхозининг коммунистлари шу кунларда пахта далаларида ҳосилни ошириш учун тинмай фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Коммунистлар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «Июль ойида ғўза парваришини кучайтириш ва ҳосил тўплаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида» деб чиқарган қарорини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишда ойликни муваффақиятли ўтказиш юзасидан бирмунча қўшимча амалий тадбирлар белгилаб чиққан эдилар. Ҳосилга-ҳосил қўшиш кунларида колхоз бўйича 414 гектар ердаги ғўза қатор ораларини камида 3 марта ишлашга қарор қилинган эди. Бутун ғўза қатор оралари июль ойининг ўтган 2 ўн кунлигида 2 марта чопиқ ва 3 марта культивация қилинди, 2 марта озиқлантирилди.

Партия ташкилоти ҳисобида 16 коммунист бор. Буларнинг ҳаммаси колхоз ишлабчиқаришида ишлайди. Коммунистлардан 2 киши бригада, 5 киши звено бошлиғи бўлиб ишламоқда. Булар ўз участкасида фидокорона меҳнат қилиб, бошқа бригада ва звеноларга намуна бўлмоқдалар.

Коммунистлар бошлиқ бўлган бригада ва звеноларда ҳосилга ҳосил қўшиш ойлиги айниқса муваффақиятли ўтмоқда. Коммунист Эгамберди Еқубов бошлиқ бригада социалистик мусобақа шартларини бажаришда колхозда биринчи ўринда бормоқда. Бригада а'золари ўзларига қарашли 30 гектар ердаги ғўзани 5 марта сифатли чопиқ ва 6 марта культивация қилдилар, 3 марта қўшимча озиқлантирдилар. Яхши парвариш қилинаётган ғўзалар бир текис, соғлом ўсиб, ҳар тупда 16—18 тадан ҳосил шохига эга бўлди ва 14—15 тадан бўлиқ кўсак тугди.

Ҳозир бригада а'золари ўз ерларида 6-нчи марта чопиқ қилдилар. Бригаданинг коммунист И. Раҳимов, Р. Ҳайдаров, Н. Нурматов ўртоқлар каби илғор а'золари кунлик чопиқ нормасини 2—2,5 ҳисса ошириб бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Коммунист У. Муродов бошлиқ бўлган бригадада ҳам ғўза парвариши тез сур'ат блан давом этдирилмоқда.

Колхознинг коммунист И. Раҳматов, Ғ. Сойибовлар бошлиқ звено а'золари 7 гектар пахта ерининг ҳар гектаридан 100 центнердан ҳосил олиш учун ғўзаларни яхши парвариш қилмоқдалар. Бу звеноларда 5 марта чопиқ ва 6 марта культивация ўтказилди. Звенонинг ғўзалари барқ уриб ўсиб, ғуж-ғуж кўсак олмоқда. Бу звеноларда чеканка қилиш тамом бўлди. Звено а'золари ғўзаларни қўшимча озиқлантириш блан бирга, ўз ерларида 6-нчи чопиқни қизитиб юбордилар.

Бошланғич партия ташкилоти (секретари ўроқ Муҳиддин Азимов) барча коммунистларнинг авангардлигини та'минламоқда. Колхоз коммунистлари шира, ўргимчаккана ва кўсак қурти каби зарарли ҳашаротларга қарши курашмоқдалар. 35 гектар ерга тушган шира битирилди.

Колхоз коммунистлари ўз ерларида ҳозир 6-нчи чопиқ, 7-нчи культивацияни қизитиб юбордилар. 11 та бригадага 11 та коммунист ва комсомол агитатор биркитиб қўйилган.

Колхоз коммунистлари ҳал қилучи август ойида ғўза парваришини кучайтириб, ғўза қатор ораларини камида икки марта ишлаш мажбуриятини олдилар.

А. РАҲМОНОВ.

НАМУНАЛИ ИШЛАЁТГАН АГИТКОЛЛЕКТИВ

Фарғона область, Киров районидаги «Электр» колхоз партия ташкилоти ҳузуридаги агитколлектив атрофига (раҳбари ўртоқ Тешабой Рустамов) 30 га яқин коммунист ва комсомол уюшган. Агитколлектив колхозчилар ўртасида намунали иш олиб бормоқда. Бобоев, Эгамбердиев ва Абдураҳмонова каби агитаторлар 9 дала шийпонида Стокгольм Мурожаати ҳақида, колхоз раиси Жўрабоев қандай чеканка қилиш ҳақида ва агитколлектив раҳбари ўртоқ Рустамов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактуби ва ҳосилга ҳосил қўшиш ҳақида 4 суҳбат ўтказдилар.

Э. МУҚИМОВ.

ПРОПАГАНДИСТЛАР КУРСИ

Тошкент область, Янгийўл шаҳар партия комитети ҳузурида пропагандистлар учун 3 ойлик курс очилди. Ўқишга ВКП(б) тарихи қисқа курсини мустақил ўрганаётган коммунистлар ва сиёсий тўгарак раҳбарларидан 35 киши қатнашаётир.

Шаҳар партия комитети машғулотларни мазмунли ва юксак савияда ўтишига алоҳида э'тибор бермоқда.

Ж. МАҲМУДОВ.

☆

Тошкентда область, район партия ва совет ташкилотлари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш бир ойлик курси очилди. Шунингдек сиёсий мактаб раҳбарларининг малакасини ошириш мактабида ҳам машғулотлар бошланди. Малакали ўқитучилар блан та'минланган бу курсларда область ва районлардан келган 300 га яқин киши ўқимоқда.

Р. АМИНОВ.

Айрим район газеталарида йўл қўйилаётган ба'зи камчиликлар тўғрисида

Район партия ташкилотларининг хўжалик ишларига, сиёсий ва маданий ҳаётга раҳбарлик қилиш ва меҳнаткашлар оммасини коммунизм руҳида тарбиялаш соҳасидаги катта ва хилма-хил фаолиятида район газетаси муҳим ўрин тутади.

Ўз вазифасини яхши тушунган ва ишини тўғри уюштираолган район газетаси хўжалик ишларига тўғри сиёсий раҳбарлик қилишда, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдиришда, партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишларни жонлантиришда, партия кадрларини тарбиялашда ва уларнинг омма блан алоқасини кенгайтириш ишларида партия ташкилотларига жуда катта ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам газета партия ташкилотларининг жанговар органи ҳисобланади. Броқ айрим район партия комитетлари газетанинг ролига етарли баҳо бермаётирлар. Шунинг учун ҳам улар ўз газеталарига яхши раҳбарлик қилмайдилар ва унинг ташкилотчилик, агитаторлик, пропагандистлик кучидан тўла фойдаланмайдилар. Бундай районларда доимий чиқиб турадиган ва газетхонлар орасида катта обрў қозонган район газеталари ҳам ўз ишларида жиддий камчиликларга йўл қўядилар.

Ўзбекистон К(б)П Сариосиё район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг органи—«Сариосиё ҳақиқати» газетаси кўп йиллардан бери нашр қилиниб келади. Сариосиё — йирик пахтакор район. У ерда халқ хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам кенг ривожланган. Аммо газетада босилаётган мақола, хабарларнинг тематикаси ва мундарижаси жуда тор, ғоявий савияси паст, уларнинг мазмуни шу район меҳнаткашларининг талабига тўла жавоб беролмайди.

Ма'лумки, район газеталарининг иш доираси республика ва область газеталаридан катта фарқ қилади. Чунки, район газеталарида босиладиган материалларнинг мазмуни ва газетанинг олдига қўйилган вазифа шу районга оид бўлади. Район газетаси ўз районидаги МТС, колхоз, мактаб, муассасалар ва ҳоказоларнинг ишларини ёритади ҳамда шу ташкилотларга тарқатилади. У энг оммавий газета ҳисобланади. Шунинг учун ҳам район газетаси асосан МТС ёки колхоз ҳаётини ёритиш блангина чегараланиб қолмай, кўпроқ ҳарбир бригада, звено, тракторчи, колхоз коммунистлари ва комсомоллари фаолияти блан танишиб туриши, газета саҳифаларида асосан ана шуларга кўпроқ сўз бериши ва уларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши керак. Район газетасининг қиёфаси ҳам шу блан белгиланади.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1943 йил 13 июль қарорида «район газетаси ўз районининг ишлабчиқаришини ва иқтисодий хусусиятларини тўла ифодалаши керак. У, маҳаллий темаларда ёзилган мақола ва хабарлар блан тўлдирилиши ва газетада райондаги партия, совет, комсомол ходимларининг ва мутахассисларнинг иштирокини кенг уюштириши керак», деб кўрсатилган эди.

«Сариосиё ҳақиқати» ВКП(б) Марказий Комитетининг бу кўрсатмасига тўла амал қилмай келаётир. Масалан, газетанинг 14-нчи сонида фақат икки устунда катта-катта иккитагина маҳаллий хабар босилган. Қолган ҳамма хабарлар ва мақолалар ЎзТАГ дан олинган ва «Қизил Ўзбекистон» газетасидан кўчирилган. «Сариосиё ҳақиқати»нинг 14-нчи сонидан 23-нчи сонигача бўлган ҳамма саҳифаларида колхоз ишлабчиқаришининг ҳал қилучи участкаларида ишлаётган биронта бригада, звено, тракторчи ва бошқалар ҳақида ҳечқандай хабар ёки мақола босилган эмас. Шуниси ажабланарлики, «Сариосиё ҳақиқати» газетасининг ҳар сонидаги иккала саҳифа ҳам катта ва узундан-узоқ қилиб ёзилган 7—10 тагина мақола, хабарлар блан тўлдирилган. Ҳатто маҳаллий темада берилган бир қисм мақола ва хабарлар Сариосиё район ҳаётидан ёзилган бўлмай, балки областьнинг бошқа районлари, чунончи: Узун райони марказидан олинган хабарлардан иборатдир. Табиийки, бундай газеталар ўз районидаги меҳнаткашлар олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун курашаолмайди ва партия ташкилотларининг ишига ёрдам бераолмайди.

Газета — сиёсий орган. Газета саҳифаларида ҳарқандай соҳадан бериладиган ва меҳнаткашларни хўжалик планларининг бажарилишини та'минлашга отлантирадиган ҳамда партия, совет, хўжалик ташкилотларининг ишларини яхшилашга қаратилган ижобий ва танқидий мақола, хабарлар юқори савияда, принципиал, ўткир қилиб ёзилиши керак. Масалан, ғўза парвариши, суғориш, меҳнат интизоми, социалистик мусобақа ва бошқа темаларга оид фактлар тўла таҳлил қилинган ва район, область, республика олдида турган умумий вазифалар блан боғланган бўлиши керак. Акс ҳолда, бундай хабар, мақолалар турмушдан ажралган бўлиб, ма'носиз, қуруқ сўз тўпламига айланиб қолади.

Ўзбекистон К(б)П Метон район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг органи—«Сталин йўлидан» газетасида бу хилдаги камчиликлар айниқса кўп учрайди.

Аввало шуни айтиш керакки, бу газетада маҳаллий материаллар жуда кам ёритилади. Масалан, газета 22-нчи сонининг иккинчи бетида бир устунда учтагина маҳаллий хабар босилган. «Метон колхозчиларининг муваффақияти» сарлавҳали мақолада Метон қишлоқ советидаги колхозчилар социалистик мусобақа шартларини бажараётганликлари тўғрисидаги муҳим масала ёритилди. Броқ мақолада социалистик мусобақа шартлари, бажарилган асосий иш турлари, социалистик мусобақа шартларини бажариш учун курашиш натижасида Метон қишлоқ меҳнаткашлари қўлга киритган ғалабалар ва ортдирилган тажрибалар тўла кўрсатилмайди. Агар редакция шу фактга суянган ҳолда, Метон қишлоғидаги мусобақа илғорларининг тажрибаларини кенг пропаганда қилганда, уларнинг мақолаларига газета саҳифасидан ўрин берганда, райондаги ҳамма колхозчиларни руҳлантиришга қаратилган хабарлар, подборкалар уюштирилганда эди, район бўйича умумий юксалишга эришишда партия ташкилотларига катта амалий ёрдам берган бўлар эди. Лекин газета бундай қилмади. Бу масала фақат биргина Метон қишлоқ совети меҳнаткашларига тааллуқли бўлган ҳолда босилди-ю, эртасигаёқ редакциянинг ёдидан кўтарилиб кетди.

Район газеталарида сезилаётган яна бир муҳим камчилик шундан иборатки, босилаётган хабар, мақолалар бирёқлама, уларнинг тематикаси тор.

Масалан, «Сталин йўлидан» газетасининг ҳамма сонларидаги мақола, хабарлар фақат қишлоқ хўжалиги кампанияларига, шунда ҳам асосан мавсумий ишларга бағишланади. Газетада қишлоқ хўжалик артелининг сталинча Уставига қаттиқ риоя қилиш, чорвачиликни ривожлантириш, қурилиш, ободончилик, маданий-оқартув, ўқиш-ўқитиш ишлари, партия, комсомол ташкилотларининг фаолияти темаларида ва бошқа темаларда деярлик ҳечнарса ёритилмайди. Ҳолбуки, бу темалар район газеталарининг асосий иш программаси бўлиши ва шу темаларда танқидий, ижобий хабарлар, материаллар, фельетонлар, очерклар берилиб борилиши керак.

Айрим район партия ташкилотлари ўз органларига яхши э'тибор бермасликлари ва газета ходимлари ўз вазифаларига ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қараганликлари натижасида, газеталарда фақат имловий, орфографик ёки стилистик камчиликларгагина эмас, балки кўпол хатоларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон К(б)П Тўрткўл район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг органи «Коммунизм ғалабаси» газетасида йўл қўйилаётган хатолар бунга мисол бўлаолади. Бу газетанинг 6 июнь сонида 74 та, 19 июнь сонида 81 та имловий, орфографик ва стилистик хатога йўл қўйилган. М. И. Калинин вафотининг 4 йиллиги муносабати блан босилган мақолада «уч йиллиги» деб хатога йўл қўйилган. Редакция ходимларининг э'тиборсизлиги натижасида, Яков Михайлович Свердловнинг туғилганига 65 йил тўлиши муносабати блан берилган материалда биринчи йўлга ёзиладиган «Яков Михайлович Свердлов» сўзлари тўртинчи йўлга тушиб қолган. Оқибатда, авторнинг айтмоқчи бўлган фикри бутунлай бузилган ва бу жумладан ҳечқандай ма'но чиқариб бўлмайди. Шунингдек, 19 июньдаги бошмақолада қишлоқ хўжалик артели Устави сўзи ўрнига «қишлоқ хўжалик устави» деб ёзилади ва ҳоказо.

Район партия комитетларининг ҳар кун, ҳар соат омма блан сўзлашиб турадиган район газеталарида босилган хабар ва мақолалар чуқур ма'ноли, юқори савияли бўлиши ва оммабоп тилда ёзилиши керак. Акс ҳолда, район газеталари ўз олдиларига қўйилган муҳим сиёсий вазифага тўла жавоб бераолмайдилар ва газетхонлар олдида ўз обрўларини йўқотиб қўядилар.

Районнинг ҳамма ташкилот ва муассасаларида, саноат корхоналарида, колхоз, МТС ва совхозларида ва ҳатто бригада, агрегат ва звеноларида ҳам деворий газета, «Жанговар варақа»лар чиқарилади. Улардаги неча юзлаб қўйи матбуотчилар армияси район газеталарининг асосий активлари ҳисобланади. Улар блан алоқа боғлаш ва ишлаш район газеталарининг асосий бурчидир. Броқ биз мисолга олган газеталарда биронта деворий газета муҳаррирининг мақоласи ёки биронта ҳам деворий газетанинг иши ҳақида обзор, ижобий ва танқидий хабар, мақолалар учрамайди. Бу—район газеталарининг катта камчилигидир. Район газетаси омма блан асосан қўйи матбуот орқали иш олиб бориши, қўйи матбуот ходимларини зўр э'тибор блан тарбиялаши, улар блан кенгашлар ўтказиб туриши, деворий газеталар, «Жанговар варақа»ларнинг ишларига доир материалларни ҳардоим бериб бориши керак.

Шундагина район газетаси активларининг кўпайиши, газета материалларининг темаси кенгайиши, мазмундор, юқори савияли бўлиши мумкин.

М. ТУРҒОНОВ.

Ғўза парваришини ҳосил етилгунча бўшаштирмай давом этдирайлик!

Водил районида мўл ҳосил учун астойдил курашилмаётир

(«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбирларидан)

Бундан бирнеча кун илгари Фарғона область, Водил район МТСи трактор ишлари йиллик планини ошиғи блан бажаргани ҳақида юқори органларга рапорт юборди. Броқ бу рапортнинг қанчалик тўғрилигига аввало районнинг партия ва совет ташкилотлари шубҳа блан қарадилар. Район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида ҳам худди шу тўғрида гап бўлди. МТС директори ўртоқ Ҳайдаровнинг мақтанчоқлик блан айтган гаплари қаттиқ танқидга учради.

Ҳақиқатан ҳам, МТСда сон орқасидан қувиб, ишнинг сифатига э'тибор берилмайди. Юзларча гектар ердаги ғўза 16—18 сантиметр кенгликда, 6—8 сантиметр чуқурликдагина культивация қилинган. «Янгийўл», «Саноат», «Ҳосилот», Калинин номли, Ҳамза Ҳакимзода номли ва бошқа колхозларда бирнеча гектар ерда трактор культивацияси брак этилган. Бунинг устига, кўп колхозларда трактор культивацияси тўхтатиб қўйилган. Беш кунликда трактор ишлари графиги зўрға 60—70 процент бажарилади. Ҳолбуки, Водил районида ҳали бирнеча марта парваришни талаб этадиган, энди ҳосилга кираётган минг гектарга яқин ерда паст ғўза бор.

Водил районининг колхозчилари бу йил ўтган йилгидан анча кўп ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Илғор колхозларнинг а'золари мўл ҳосил моҳирлик блан иш кўриш, фидокорона меҳнат қилиш, ички ресурслардан усталик блан фойдаланиш орқалигина қўлга киритилишини яхши англаб, ғўза парваришини агротехника қоидалари асосида олиб бормоқдалар ва ҳамма участкада мўл ҳосилни та'минламоқдалар. Аммо айрим колхозлардаги ижобий иш блан мағрурланиш асло ярамайди. Аксинча, ҳарбир колхоз, ҳарбир бригада ва звенонинг участкасида мўл ҳосил етиштирилгандагина умумий ишда муваффақият қозониш мумкин.

Аммо Водил районида ана шу муҳим масалага аҳамият берилмаётир. Айрим илғор колхозларнинг раҳбарларида юз берган мағрурланиш, кибирланиш, ғўзанинг кўкига қараб ҳовлиқиб кетиш ҳоллари нақадар ёмон оқибатларга олиб келаётганлигини кўп фактлардан билиш мумкин.

Димитров номли колхоз раиси ўртоқ Муҳиддин Зайниев район колхозчиларининг бундан ўнбеш кун илгари бўлиб ўтган йиғилишида «ҳамма жойда мўл ҳосил етиштирдик» деб мақтанган эди. Броқ йўл ёқаларидаги ғўзалар яхши парвариш қилинган бўлса ҳам, ичкари участкалардаги хунук манзара раиснинг очиқдан-очиқ кўзбўямачилик қилганлигини исботлайди. Колхознинг Тошқўрғон участкасидаги 70 гектар ердаги ғўзалари қаровсиз қолдирилган. Ўртоқ Зайниев бу ерга 25 кун мобайнида бир марта ҳам бормаган. Дастлабки даврда бир текисда ўсган ғўзалар кейинчалик чопиқ, культивация қилинмагани, ўз вақтида суғорилмагани орқасида ўсишдан тўхтаган ва ярим ҳосилини йўқотган.

Район марказидан сал нарироқда Калинин номли колхоз бор. Бу колхозга яқинда яна икки колхоз қўшилди. Пахта майдонининг кўплиги жиҳатидан энг йирик ҳисобланган бу колхозда ғўза парвариши нақадар ёмон бораётгани тўғрисида район партия комитети ва район ижроия комитетининг йиғилишларида кетма-кет масалалар кўрилди. Лекин ғўзани парвариш қилишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳали ҳам тугатилгани йўқ. Колхознинг 5-нчи бригадаси даласида ҳозир тоқат қилиб бўлмайдиган даражада хунук манзарани кўриш мумкин. Бригада табельчиси Ш. Садбаров эгат тепасида туриб, қақраб кетган ерларда қирма чопиқ ўтказилаётганлигини «қониқиш» блан кузатиб турипти. Бригаданинг участкасида эндигина икки қарич бўлган, лекин мевага кирмаган ғўзалар бор. Бу ғўзаларнинг таги қотиб, заранг бўлиб кетган. Бунинг устига, ўз вақтида суғорилмаган ғўзалар гул ва шонасини тўкиб юборган. Колхоз раисининг ўзи иқрор бўлишича, колхозда 100 гектардан ортиқ ерда мевага кирмаган ғўза бор. Раис Қутбиевнинг бу сўзлари бир томондан мутлақо ҳақиқатга тўғри келмайди. Қутбиев бу сўзи блан «ҳали ғўзамиз ҳосилга киргани йўқ» демоқчи бўлади. Лекин ғўзалар ҳосилга кирган. Қутбиев эса ғўзаларнинг ҳашаротлардан зарарланаётганини яширади ва ўзини жавобгарликдан қутқазиб қолиш учун ёлғон ма'лумотлар беради. Колхозда яқинда текшириш ўтказилганда 150 гектар ердаги ғўзага шира, ўргимчаккана ва кўсак қурти тушганлиги ма'лум бўлди. Қирғиз Охунов, Асқад Исҳоқов ўртоқлар бошлиқ бўлган бригадаларда ғўзалар сувсизликдан сарғайиб кетган, кейинчалик кечикиб суғорилганлиги орқасида шона, гулини тўкиб юборган. Бунга асосий сабаб—чопиқ, культивациянинг бўшаштириб юборилиши ва унинг сифатига мутлақо э'тибор берилмаётганлигидир. Охунов бошлиқ бригадада культивациянинг кенглиги 15—16 сантиметрдан, чуқурлиги 5—6 сантиметрдан ошмайди.

Колхоз раиси Қутбиев пахта ҳосилининг ана шундай жинояткорона нобуд бўлишига йўл қўяётгани район ташкилотларига ма'лум, албатта. Партия ва халқ ишончини оқлайолмагани, шахсий манфаати учун жамоат мулкига хиёнат қилгани, ижро этучи органнинг ишларини чатоқлаштириб юборгани учун район ижроия комитети раислигидан олиб ташланган ва партия сафидан ўчирилган Қутбиев ҳозир ўзи раҳбарлик қилаётган катта бир колхознинг ишини ҳам орқага сургамоқда.

Ғўза парваришини ўтказиш учун озгина вақт қолди. Бу қимматли фурсатдан фойдаланиб, чопиқ, культивация, суғориш ва озиқлантириш ишларини тинмай давом этдириш, ғўза парваришини андак бўлса ҳам сусайтиришга сабабчи бўладиган ҳарқандай уринишларга қарши қаттиқ зарба бериш керак. Водил районидаги партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари шуни доим эсда тутишлари лозим.

Х. ЁДГОРОВ.
Ҳ. НУ'МОНОВ.
Х. ИКРОМОВ.



Андижон районидаги Сталин номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Мамадалиев бошлиқ звено а'золари бу йил ҳар гектар ердан 100 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳозир звено ғўзалари чеканка қилинмоқда. **Суратда:** бригада бошлиғи **Аҳмаджон Мамадалиев** колхозчи **М. Хўжаевага** қандай қилиб чеканка ўтказишни ўргатмоқда.

С. Безносов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Уруғлик олиш учун серҳосил участкалар ажратилсин

Пахтадан юқори ҳосил олишда уруғликнинг а'ло сифатли бўлиши ғоят катта аҳамиятга эгадир. Ҳарбир колхоз ва совхоз яқин 2—3 йил ичида пахта ерига ўз хўжалигида етиштирилган уруғлик чигитни экишга эришмоғи керак. Бу йил 2.000 га яқин колхоз ва кўп совхозларда ўзлари учун уруғлик тайёрлаш мўлжалланади.

Бу муҳим ишнинг аҳамиятига яхши тушунган Наманган ва Андижон областьларидаги кўп районларнинг раҳбарлари 1949 йилги планда колхозлар учун белгиланган уруғлик участкаларини ўз вақтида ажратиб, улардан юқори сифатли уруғлик олишга муваффақ бўлдилар. Лекин хўжаликда танланиб тайёрланган уруғликнинг тайёрлаш пунктларидан олинган уруғликка қараганда яхши ва колхозлар учун жуда қулай бўлишини ҳалигача тушуниб етмаган айрим район ер бўлимларининг раҳбарлари ва агрономия ходимлари колхозларнинг уруғчилик ишлари блан жиддий шуғулланмаётирлар. Масалан, Самарқанд областининг 6 та районидаги 26 та колхозда бир гектар ҳам уруғлик участкаси ажратилмаган. Шунинг учун бу колхозларнинг кўпчилиги тайёрлаш пунктларидан ёки пахта заводидан берилган ҳарқандай уруғни экабердилар.

Уруғчилик масаласида академик Т. Д. Лисенко бундай деб ёзади: «Яхши парвариш қилиб етиштирилган ўсимликларнинг энг яхшиларини уруғлик учун танлаш керак».

Уруғлик участканинг катталиги шу хўжаликда экиладиган пахта майдонининг 15 процентини ташкил қилиши лозим. Я'ни уруғлик участка шу ҳисоб блан ажратилиши керакки, мазкур участкадан олинган уруғлик колхоз ёки совхознинг келаси йилда экадиган ҳамма пахта далаларига етадиган бўлсин.

Пахтакор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари шуни эсдан чиқармасликлари керакки, уруғлик учун ҳарқандай ерларни пала-партиш ажратиш ярамайди.

Уруғлик участкаларни ажратиш вақти ҳали ўтиб кетгани йўқ. Шунинг учун пахтачилик бўлимларининг ходимлари, айниқса агрономлар уруғлик участкалари бўлиши керак бўлган колхоз ва совхозларга раҳбарликни кучайтириб, уларнинг ишларига ҳартарафлама ёрдам беришлари керак. Уруғлик участкаларини ажратиш олдидан колхоз раиси, ҳосилот советининг раиси бригада, звено бошлиқлари, тажрибакорлар ва агрономлар блан биргаликда пахта далаларининг ҳаммасини синчиклаб кўздан кечириб чиқиши зарур. Далаларни айланиб кўрган вақтда ҳарбир участкада тўхтаб, йил бошидан то ҳозиргача бу ерда агротехника тадбирлари қандай ўтказилганлиги аниқланиши керак.

Ўтган йилда юз берган камчиликларнинг бу йил яна такрорланмаслиги учун, уруғлик участкалар энг яхши серҳосил ерлардан ажратилсин ва планнинг ортиғи блан бажарилишига э'тибор берилсин.

Уруғлик участка учун биринчи галда академик В. Р. Вильямс системасида ишланган, бедапоя ўрнига экилган ерларнинг пахтаси ажратилиши керак. Шу блан бирга, эрта экилган, агротехника тадбирлари тўла амалга оширилган, яхши ўсиб ривожланган, касалланмаган, ўз вақтида юқори сифатли чеканка қилинган ерлардаги ғўзалар ва серҳосил участкалар танлаб олиниши лозим. Ажратилган уруғлик участкалар акт блан расмийлаштирилиши шарт.

Уруғлик учун энг яхши, серҳосил участкаларни ажратиб, колхоз ва совхозларимизни ўзларида етиштирилган а'ло сифатли уруғлик чигит блан та'минлайлик.

М. ҒОЙИБНАЗАРОВ.
Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Стахановчи универсалчининг унумли иши

Шаҳрисабз МТСининг Мўминобод қишлоқ советидаги «Правда» колхозида хизмат қилаётган универсалчиси ўртоқ Мамади Пўлатов бу йилги мавсумда 1.200 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишлаш мажбуриятини олган эди.

Ўртоқ Пўлатов ўз мажбуриятини шараф блан бажариш учун мавсум давомида иш унумини кун сайин оширди. Ҳар куни 10 гектар ўрнига 20 гектарга етказиб ғўзани культивация қилди. У кейинги вақтда Тинчлик тарафдорлари Стокгольм Мурожаатига қўл қўйгандан кейин яна ҳам унумли ишлаётир. 5 августгача ўртоқ Пўлатов 1.611 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишлаб, мавсум топшириғини 200 процентга етказиб бажарди. Шу даврда 250 килограмм ёнилғи тежади ва тежалган ёнилғи ҳисобига 50 гектар ердаги ғўза қатор ораларини культивация қилди.

Ўртоқ Пўлатов ғўзани то ҳосил етилгунча культивация қилишни давом этдирмоқда. Яқинда унга МТСнинг илғор универсалчиси учун та'сис этилган кўчма қизил байроқ топширилди.

Х. ЗОКИРОВ.

ИЛҒОР КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ЗВЕНОСИ

Андижон районидаги Сталин номли колхознинг комсомол ўртоқ Йўлдош Абсалимов бошлиқ звено а'золари гектаридан 60 центнердан пахта етиштириш учун ғўза парваришини намунали олиб бормоқдалар. Звенонинг 10 гектар ердаги ғўзаси олти чопиқ, етти культивациядан чиқарилди. Ҳозир ғўзалар текис ҳосил олиб, кўсаклар етилмоқда.

Звено а'золари кўсакларни тезроқ очилтириш, пахта йиғим-теримига барвақт киришиш учун ғўзани тинмай парвариш қилмоқдалар.

А. СИДДИҚОВ.

Йўлларни янги пахта ҳосилини ташишга тайёрлаш—муҳим давлат ишидир

Ўзбекистон колхозчилари социалистик мусобақани кучайтириб, ўртоқ Сталин номига ёзилган Мактубда пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажариш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Мўл пахта ҳосилини нобуд қилмай ташиб олиш ва давлатга топшириш ишининг пухта уюштирилиши кўп жиҳатдан республикамизда автомобиль йўлларини бу ишга ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлашга боғлиқдир.

Большевиклар партияси ва Совет ҳукумати давлат манфаатлари ва халқимизнинг фаровонлигини ошириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб, автомобиль йўллари қуриш ва уларни ремонт қилиш масаласига катта э'тибор бериб келмоқдалар.

Йўл ишларига қилинадиган харажатлар йил сайин ошиб бормоқда. Ўзбекистонда илғор совет техникаси блан қуроллантирилган машина-йўл станциялари ташкил этилди. Бу станцияларда оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган барча ишлар машиналаштирилган.

Иттифоқ ҳукумати республикамизга Иттифоқ, республика ва маҳаллий аҳамиятдаги барча ташкилотларнинг автомобиль паркини йилига 4 кун муддат блан йўл қурилиши ишларига жалб этиш ҳуқуқини беради.

Бизда пахтачиликнинг тобора юксалиши натижасида йўл қурилиши ишларининг ҳажми шу қадар ўсиб кетдики, бу ишни бажариш учун машиналар блан бир қаторда колхозлар ва колхозчилардан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Ҳолбуки йўл ишларининг сур'ати ва ҳажми ҳали халқ хўжалигининг ўсиб бораётган талабларига жавоб бермайди. Айниқса пахта ҳосилини йиғиб-ташиб олиш даври яқинлашадиган ҳозирги пайтда бундай аҳволга чидаб туриш асло мумкин эмас.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети махсус қарор қабул қилиб, область ва район ижроия комитетларига ҳамда йўл органларига 1950 йил 10 июльдан 1 сентябрьгача барча колхоз транспорт воситаларини шағал ташишга чиқариш ва шағал ташиш планини 1 сентябрьгача бажариш. 10 августдан 1 сентябрьгача колхозчиларнинг йўл қурилиши ва ремонт ишларига чиқишини та'минлаш вазифасини топширди.

Колхозларнинг транспорт воситалари блан шағал ташиш бошланганидан буён бир ой вақт ўтишига қарамай, республиканинг айрим областьларида йўл ишлари шу кунгача кучайтириб юборилмаётир.

Тошкент областидаги 18 райондан фақат 6 район йўл ишларини бошлаб юборган. Сирдар'ё ва Мирзачўл районлари аҳолининг иштироки блан йўл қуриш юзасидан белгиланган давлат планларини бажармай келмоқдалар. Бу районларнинг раҳбарлари йўл механизмлари ва автотранспорт ёрдамидан фойдаланмай, Мирзачўлдаги муҳим йўлларнинг қурилишини кечиктирмоқдалар.

Шунингдек Оққўрғон ва Тошкент қишлоқ районининг раҳбарлари ҳам йўл қурилиши ишига беғамлик блан қараб келмоқдалар. Андижон областида йўл қурилиши ишлари айниқса ёмон аҳволда. Андижон область ижроия комитети (раиси ўртоқ Ҳожибеков) йўл қурилиши масаласида чиқарган қарорларини шу кунгача районларга етказмаган. Сталин ва Чинобод районларида янги ўзлаштирилган ерларда йўллар қуриш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Областьда ташкил қилинган янги машина-йўл станциясига етарли э'тибор берилмаганидан бу станцияда иш ёмон аҳволда. Бунда йўл машиналаридан фойдаланилмайди, улар кўпинча бекор туради. Самарқанд, Наманган, Фарғона областьларида олиб борилаётган йўл ишлари талабга жавоб бермайди. Бу областьларда колхоз транспортини йўл ишларига тортиш ташкил этилмаган, хўжалик ташкилотларининг автомобиль паркидан ҳам фойдаланилмаётир.

Республиканинг ба'зи областьларида колхоз йўл қурилиши бригадалари ташкил этилмаган ёки бу бригадалардан йўл ишига оид бўлмаган ишларда фойдаланилмоқда.

Республика йўл хўжалигида намунали тартиб ўрнатишда мавжуд бўлган жуда катта имкониятлар ҳозиргача ишга солинмаётир.

Ба'зи ташкилотларнинг раҳбарлари, шу жумладан, Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги ҳам турли сабабларни баҳона қилиб, Иттифоқ ҳукуматининг йўл ишларига автотранспорт ажратиш ҳақидаги қарорини бажармаётирлар.

Тошкент областининг ўзидагина планда кўрсатилган автомашиналардан 10—15 автомашина ажратилган. Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги, «Узсахсвеклотрест» ва «Уззаготтранс» раҳбарлари ҳам давлат мажбуриятини бажаришга ана шундай беғамлик блан қарамоқдалар.

Йўл қурилишида бундай аҳволнинг содир бўлишига сабаб шуки, айрим область ва район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари пахта учун курашда йўл қурилиши ишининг аҳамиятига етарли баҳо бермаётирлар.

Область ва районлардаги ба'зи партия ва совет ташкилотлари аҳолини йўл ишларига тортишни уюштириш масаласига етарли э'тибор бермасдан, ҳатто айрим ҳолларда бутун йўл ишларини давлат ҳисобига бажариш майилига ҳам тушадилар.

Республикада йўл хўжалигини ташкил этиш масаласига бундай муносабатда бўлиш зарарли кайфиятдир. Автомобиль йўллари қанчалик яхши ривожлантирилса, республикамизда пахтачиликни ривожлантириш сталинча плани ҳам шу қадар муваффақиятли бажарилади.

Республика йўл хўжалигида содир бўлган аҳвол шундан дарак берадики, агар бу соҳада қолоқликни тугатиш юзасидан ҳозирданоқ қат'ий чоралар кўрилмаса, бу ҳол Ўзбекистон халқ хўжалиги ва биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришда катта қийинчиликлар туғдириши мумкин. Дарҳол бу хавфнинг олдини олиш керак. Йўлларни янги пахта ҳосилини ташишга тайёрлаш — муҳим давлат ишидир.

Область ва район партия, совет ташкилотлари йўл қурилиши ишларига муносабатни тубдан ўзгартишлари, бу иш блан жиддий шуғулланиб, қисқа вақт ичида йўл хўжалигида намунали тартиб ўрнатишлари зарур.

Ҳозир асосий вазифа—колхоз транспортининг шағал ташишни уюштириш ва август ойида шағал ташиш давлат планининг сўзсиз бажарилишини та'минлашдан иборатдир. Чунки шағал ташиш йўлларнинг йил давомида яхши ҳолда сақланишини та'минлайди.

Бундан ташқари, шу даврда барча хўжалик ташкилотларининг автомобиль паркидан ҳам тўла фойдаланиш, конларда шағални қўл блангина эмас, балки экскаваторлар, автопогрузчиклар ва бошқа машиналар ёрдами блан ортишни та'минлаш айниқса муҳимдир.

Колхозлардаги доимий йўл бригадаларини дарҳол тиклаш, улардан фақат йўл қурилишига боғлиқ бўлган ишлардагина фойдаланиш керак. Бу тадбирларнинг ҳаммаси пахта териш олдидан колхозчиларнинг иштироки блан йўлларни сифатли ремонт қилиш, янги ўзлаштирилган ерларда муҳим йўл қурилишларини тамомлаш ва шу блан янги пахта ҳосилини нобуд қилмай ташиб олиш имкониятини беради.

Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш сталинча плани яхши, маданий йўлларни талаб қилади.

Шубҳа йўқки, колхозлар ва колхозчиларнинг актив иштироки блан бу вазифа муваффақиятли бажарилади.

Е. ИСМОИЛХЎЖАЕВ.
ЎзК(б)П Марказий Комитети транспорт бўлимининг мудири.

Хавфсизлик Советининг 8 августдаги мажлиси

НЬЮ-ЙОРК, 8 август. (ТАСС). Ўртоқ Малик бугун Хавфсизлик Советининг мажлисини очиб, дастлабки кун тартибини муҳокама қилишга киришишдан аввал Совет а'золарининг э'тиборини олинган бирқанча мактубларга жалб қилишни истайман, деди. Малик дедики, мен Қурия халқ-демократик республикасидан олинган мактубга айниқса э'тиборни жалб қилишни истайман. Бу мактубда америка интервентларининг қурия халқини асоратга солиш ниятида тинч аҳолини ҳаводан бомбардимон қилиб, халқаро ҳуқуқни ва инсонпарварлик қонунларини поймол қилганликлари айтилади. Сўнгра Малик Қурия халқ-демократик республикасининг мактубини ўқиб эшитдирди. (Бу мактуб газетамизнинг шу сонида Пхеньяндан олинган телеграммада келтирилган.—**Редакция**).

Малик мактубни ўқиб бўлганидан кейин бош секретарь ёрдамчисидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қурия комиссиясидан олинган иккинчи мактубни ўқиб эшитдиришни сўради. Лекин шу пайтда гоминдан вакили Цзян Тин-фу аралашиб, мажлисни олиб бориш тартиби ҳақида гапирмоқчи эканлигини айтди.

Цзян Тин-фу лисинманчи ма'мурлар вакили мажлисга таклиф этилмаганлигини айтиб, Маликдан, сиз Хавфсизлик Советининг 25 июньдаги «қарорини бажаришни ўзингиз учун мажбурий деб ҳисоблайсизми», деб сўради. Бу «қарор»да Жанубий Қурия вакили Хавфсизлик Советининг мажлисларида иштирок қилишга таклиф этилсин дейилган эди.

Малик, Цзян Тин-фунинг бундай хулосаларни чиқариши учун ҳали вақт келгани йўқ, деб жавоб қайтарди. Малик шуни кўрсатдики, Жанубий Қурия вакилини ҳам, Шимолий Қурия вакилини ҳам Хавфсизлик Совети мажлисига таклиф этиш масаласи 4 августда ўртага қўйилди. Шу муносабат блан Малик, Хавфсизлик Советининг бу масалани муҳокама қилишни истаган а'золарининг рўйхати менда бор, деди.

— Муҳокама қилингандан кейин, — деди Малик, — бу масала ҳал этилса керак.

Малик бундай деди: мен мажлисларни одатдаги тартибда олиб боришни давом этдираман, олинган мактубларни Хавфсизлик Советига тақдим этаман, бу эса мажлисларни тўғри олиб бориш тартибига мувофиқдир. Сўнгра Малик бош секретарь ёрдамчисидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қурия комиссиясидан олинган мактубни ўқиб эшитдиришни сўради.

Аммо, бош секретарь ёрдамчиси мактубни ўқишга киришишдан олдин Норвегия вакили Сунде ва Цзян Тин-фу мажлисни олиб бориш тартиби тўғрисида Цзян Тин-фу таклифи юзасидан қарор қабул қилишни яна талаб этдилар.

Малик бунга жавоб бериб, иш тартиби қоидаларига қаттиқ амал қилаётганлигини айтди. Малик бундай деди: Жанубий Қурия вакилини таклиф этиш тўғрисидаги масала 4 августда, я'ни совет вакили Хавфсизлик Совети мажлисларига Шимолий ва Жанубий Қурия вакилларини чақиришни таклиф этган вақтда ўртага қўйилди. Малик, бу масала юзасидан музокаралар бошланди ва Хавфсизлик Советининг бирқанча а'золари бу ҳақда гапиришни истайдилар, деди.

— Шу сабабли, — деди Малик, — раис бу масала юзасидан қарор чиқараолмайди, чунки масала муҳокама қилинмоқда ва Хавфсизлик Совети томонидан ҳали ҳал этилгани йўқ.

Малик Цзян Тин-фуга ва Сундега жавоб бериб шуни айтдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави Хавфсизлик Советида муҳокама қилинаётган низо' кўрилган вақтда Хавфсизлик Совети мажлисларида ҳар иккала томоннинг вакиллари иштирок қилишини кўзда тутади. Шундан кейин Малик айтдики, Хавфсизлик Советининг илгариги мажлисларида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави бузилди, чунки Хавфсизлик Совети мажлисларида низо'да қатнашучи томонлардан фақат бирининг вакилигина қатнашди. Малик яна бундай деди: Цзян Тин-фу ва Сунде талаб қилишларига қарамай, мен мажлисни олиб бориш тартиби тўғрисида, Цзян Тин-фунинг гапи ҳақида бирор қарор чиқараолмайман ва буни қилишга урунмайман ҳам, чунки бу масала Хавфсизлик Советида ҳали муҳокама қилиниши ва ҳал этилиши керак.

Малик ўз сўзини тамомлагандан кейин таржимон унинг баёнотини такрорлай бошлади ва таржима вақтида «қарор» сўзини ишлатди. Малик дарҳол таржимоннинг сўзини тузатиб, бу масала юзасидан ҳечқандай қарор чиқармаганлигини айтди.

Аммо Америка вакили Остин таржимоннинг хатосидан фойдаланиб, Малик қарор қабул қилди, лекин кейин таржимоннинг сўзини тузатиб, бу қароридан қайтишга уринди, деди. Сўнгра Остин Маликнинг «қарори» тўғрисида бахслашмоқчи бўлганлигини билдирди.

Малик дарҳол Остиннинг сўзига жавоб қайтариб, Цзян Тин-фунинг мажлисни олиб бориш тартиби ҳақидаги гапи юзасидан ҳечқандай расмий қарор чиқармаганлигини, чунки юқорида айтилган вазиятда буни қилаолмаганлигини айтди.

Маликнинг тутган йўли тўғри эканлиги равшан бўлишига қарамай, Цзян Тин-фу афтидан Остиннинг имосини назарга олиб, яна аралашди ва Малик ҳақиқатда қарор чиқарди, чунки у Хавфсизлик Совети мажлисини Жанубий Қурия вакилини мажлисда қатнашишга таклиф этмай олиб бораётир, деди. Малик айтдики, бирқанча делегациялар бу масалани муҳокама қилди, бошқа ҳарбир делегация каби, совет делегацияси ҳам бу масалада ўз фикрини баён қилишга ҳақлидир. Сўнгра Малик Совет Иттифоқи вакили сифатида гапириб, совет делегациясининг нуқтаий назарини равшан ва аниқ баён қилиб берди, ҳамда қурия халқи асл вакилларининг фикрини эшитмай, Хавфсизлик Советини ғайри-қонуний қарор чиқаришга мажбур этиш йўлидаги америка найрангларини фош қилди.

Малик бундай деди: совет делегациясининг қурия халқи вакилларини чақириш тўғрисидаги таклифи Хавфсизлик Советининг икки мажлисидан буён муҳокама қилинмоқда. Малик америка ва гоминдан вакилларининг бу таклифга қарши чиқаётганликларини айтиб, Қуриядаги низо'да қатнашучи ҳар иккала томоннинг вакилларини ўз мажлисларига таклиф этиши блан Хавфсизлик Совети уруш ҳаракатларига хотима беришга интилаётганлигини кўрсатади, деди. Малик бундай деди: ҳозиргача америкадаги ҳукмрон доираларнинг таз'йиқи блан турли делегациялар Қурия тўғрисида таклифлар киргиздилар ва Ли Син-Ман қўғирчоқ тўдасининг вакиллари баёнот бериш учун Хавфсизлик Совети мажлисларига таклиф этилдилар. Америка ҳукмрон доираларининг таз'йиқи блан бу баёнотлар ма'қулланди ва фактларни бирёқлама баён қилиш асосида ғайри қонуний қарорлар чиқарилди.

Малик айтдики, бу усул иш тартиби қоидаларидан холис фойдаланиш эмас, бу усул Хавфсизлик Советининг иш тартибига хилоф бўлиш блан бирга ҳарбир соғлом фикрга ҳам тўғри келмайди. Низо'ли масала кўрилган вақтда ҳар иккала томоннинг фикри эшитилиши керак, бу ҳақдаги қарорлар бир тарафлама баёнотларгагина асосланмаслиги лозим, деди Малик. Қўшма Штатлар таз'йиқ қилиш ва зўрлик усулларини қўлланмоқчи бўлади. Қурия халқ-демократик республикаси вакилларининг фикрини эшитиш тўғрисидаги илтимос америка ҳукмрон доираларининг зўри блан рад этилмоқда.

Малик айтдики, Қўшма Штатларнинг ҳукмрон доиралари иғвогарлик мақсадида ўзларининг Жанубий Қуриядаги қўғирчоқлари томонидан 25 июньда агрессия уюштирдилар ва Хавфсизлик Советида совет ва хитой вакиллари йўқлигидан фойдаланиб, Хавфсизлик Советида ғайри қонуний қарорлар чиқаришга мажбур этадиган зўрлик усулини жорий қилдилар. Малик ўз сўзини такрорлаб айтдики, Совет Иттифоқи Хавфсизлик Советининг низо'да қатнашучи ҳар икки томон фикрини эшитишини истайди, аммо Қўшма Штатлар ва бошқа ба'зи а'золар эса Уставга хилоф равишда Хавфсизлик Советининг Жанубий Қурия вакиллари фикринигина эшитишини истайдилар.

Малик американинг, Ли Син Ман тўдаси бутун Қурия халқининг вакили, деган да'восига жавоб бериб, қўғирчоқ Ли Син Ман тўдасини халқ қўллаб-қувватламайди ва Ли Син Ман тўдасининг Шимолий Қурия халқи блан ҳечқандай алоқаси йўқ, деди.

Шимолий Қурияда қонуний ҳокимият Қурия халқ-демократик республикасининг Халқ мажлиси ихтиёридадир. Бу халқ мажлисини Шимолий Қурия халқи эркин сайлаган.

Шимолий Қурия вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотини менсимадилар, деган да'воларга жавобан Малик бундай деб эслатиб ўтди: 1947 йилда, Қурия масаласи Бош Ассамблея сессиясида қонунга хилоф равишда ўртага қўйилган вақтда, Қўшма Штатлар бошчилик қилаётган инглиз-америка иттифоқи Шимолий Қурия вакилларининг сессияда иштирок қилишига ҳалақит берди ва ғайри қонуний ҳамда адолатсиз қарор чиқаришга мажбур этди.

Сўнгра Малик бундай деди: Хавфсизлик Совети америка ҳукуматининг зўри блан Қурия тўғрисида ғайри қонуний қарорлар чиқарди. Бу қарорлар ғайри қонуний бўлиб, улар ҳечкимни ҳечнарсага мажбур этаолмайди, чунки бу қарорлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига хилофдир. Малик айтдики, бу қарорлар, жумладан, Қурия халқ демократик республикасига ҳам ҳечқандай мажбурият юклайолмайди, чунки Уставнинг 32-нчи моддаси бузилди, я'ни Қурия халқ-демократик республикасининг вакилларига Хавфсизлик Советида Қурия масаласини муҳокама қилиш вақтида иштирок қилишга рухсат берилмади.

Малик бундай деди: Америка вакили Остин «адолатли муносабат» ва «демократия» ҳақида гапириб пропаганда юргизишни яхши кўради; лекин, — деди Малик, — Қўшма Штатлар ҳукумати Хавфсизлик Советининг икки а'зоси йўқ вақтда ва Қурия халқ-демократик республикаси вакиллари иштирокисиз Хавфсизлик Советини зўрлик блан қарор чиқаришга мажбур этаётган вақтда адолат ва демократия бўлиши мумкинми, ахир. Малик дедики, Қўшма Штатлар ҳукумати Хавфсизлик Советини бу хилда бирёқлама қарор чиқаришга мажбур этиб, Қурия масаласини низо'да қатнашучи ҳар икки томон вакиллари олдида очиқ муҳокама қилишдан қўрқканлигини кўрсатади.

Малик айтдики, Қўшма Штатлар ўзининг ҳатти-ҳаракатини оқлашга уриниб, ҳатто Шимолий Қурия ма'мурлари борлиги тўғрисида ўз таклифларида айтилган сўзларни ҳам менсимайди.

Малик бу масалага тўхталиб, бир давлат иккинчи бир давлатга ҳужум қилган тақдирдагина агрессия бўлиши мумкинлигини ҳамма киши жуда яхши билади, деди.

Малик сўзининг охирида айтдики, Совет Иттифоқи Қурия масаласини тинч йўл блан ҳал этиш тўғрисида резолюция тақдим этиш блангина қолмайди. Совет Иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ, бу масала қонуний ва адолатли суратда муҳокама қилинсин ва масалани муҳокама қилишда бу низо'да қатнашучи ҳар икки томоннинг вакиллари иштирок қилсин, деб талаб этади. Малик Хавфсизлик Совети Қурия масаласини муҳокама қилиш вақтида Уставнинг 32-нчи моддасига мувофиқ, Шимолий Қурия вакилларини ҳам, Жанубий Қурия вакилларини ҳам Хавфсизлик Советининг мажлисларида қатнашишга таклиф этиши керак, деб яна такрорлади.

Америка ҳукумати ва америка делегацияси ҳақиқатдан ўтдан қўрқкандек қўрқаётганлигини та'кидлаб, Малик бундай деди:

«Улар ҳақиқатни бузиб тасвирлашдан қайтмайдилар ва Хавфсизлик Советининг бошқа а'золарига очиқдан-очиқ таз'йиқ кўрсатмоқдалар».

Малик яна бундай деди: Америка делегациясининг қонунга хилоф таклифлари унинг Қуриядаги низо'ни кенгайтириш ниятида эканлигини кўрсатади. Қурия масаласини тинч йўл блан ҳал этишни истамасликкина бу масалани тинч йўл блан ҳал этиш тўғрисидаги совет таклифларини рад этиш учун бирдан-бир сабабдир.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Хавфсизлик Советининг 8 августдаги мажлиси

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Малик ўз нутқини тамомлаб, Хавфсизлик Советининг раиси сифатида, Хавфсизлик Совети а'золаридан сўзлашни истовчилар борми, деб сўради. Шундан кейин Цзян Тин-фу яна савол бериб, Хавфсизлик Советининг Жанубий Қурия вакилини Хавфсизлик Совети мажлисларида қатнашишга таклиф этиш тўғрисида 25 июньда чиқарган қарорини бажаришни ўзингиз учун мажбурий деб ҳисоблайсизми, деб Маликдан сўради.

Малик раиснинг бу масала юзасидан қарор чиқараолмаслигини яна уқдириб ўтди. Равшанки, — деди Малик, — Хавфсизлик Советининг ба'зи а'золари Жанубий Қурия вакили бугунги мажлисда қатнашуви керак, чунки Жанубий Қурия вакили Хавфсизлик Советининг ўша вақтдаги раиси киргизган таклифга мувофиқ 25 июньдаги мажлисда қатнашган эди, бу тўғрида Советнинг бошқа а'золари ҳеч ғап айтмаган эдилар, деб айтадилар. Аммо, — деди Малик, — Хавфсизлик Советининг 25 июньда чиқарган қарорлари қонунга хилофдир.

Малик совет вакили сифатида гапириб айтдики, Совет Иттифоқи бу масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига ва Хавфсизлик Советининг тартибот қоидаларига мувофиқ суратда тегишинча ҳал этиш учун Шимолий Қуриянинг ҳам, Жанубий Қуриянинг ҳам вакилларини мажлисларда қатнашиш учун чақириш керак, деб таклиф этди.

Малик бундай деди: Хавфсизлик Совети а'золаридан ба'зилари Жанубий Қурия вакилининг 25 июньдаги мажлисда қатнашганлигига асосланиб, бу мажлисда ҳам унинг қатнашувини истайдилар. Совет делегацияси, Жанубий Қурия вакилини чақириш тўғрисида 25 июньда қабул қилинган таклиф ҳозирги кунда ўз кучида қолади деб ким да'во қилаолади, деган саволни беради.

Мажлис давом этмоқда.

ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 8 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 8 август эрталаб қуйидагиларни билдирди: Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларига қарши шиддатли жангларни давом этдирдилар.

Халқ армияси авиацияси америка аэропланларига қарши мардона жанг қилмоқда ва душманнинг тўпланган қўшинларини, унинг орқа томонидаги алоқа йўлларини ва ҳарбий иншоотларини тўхтовсиз бомбардимон қилмоқда, душманга катта талафот етказмоқда.

Жанубий ва Шимолий Кенсан вилоятларидаги партизан отрядлари Халқ армияси қисмларининг ҳужумига мадад бериб, ўз ҳаракатларини кучайтирдилар ва душманнинг орқа томонига зарба беришни давом этдирмоқдалар.

Америка авиацияси Жанубий ва Шимолий Қурия шаҳарларини, шу жумладан Пхеньян районини ваҳшиёна бомбардиман қилмоқда. 7 августда тушдан кейин тўрт моторли 30 дан ортиқ америка аэроплани 3 соат мобайнида Пхеньянга ва унинг атрофига бирнеча юз бомба ташлади. Бунинг натижасида газета редакцияларининг бинолари, институтлар, касалхоналар, маданий-оқартув муассасалари ва кўпгина уй-жой бинолари вайрон қилинди. Аҳоли ўртасида, шу жумладан касаллар ва ўқучилар ўртасида ўлганлар ва ярадорлар бор.

ПХЕНЬЯН, 8 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 8 август кечқурун қуйидагиларни билдирди:

Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларига ва лисинманчи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг Чхонсон (Киндзио) жанубидаги шарқий қирғоқда ҳужум қилаётган қисмлари душманнинг полкини тамомила қириб ташладилар. Халқ армиясининг ҳужум қилаётган қўшинлари шу томонда душманнинг катта бир группасини қуршаб олдилар ва бу группани қириб ташлаш мақсадида жангларни бошлаб юбордилар. Бу жанглар натижасида душманнинг 18-нчи полки, мотомеханикалаштирилган полки, артиллерия дивизиони ва бошқа қисмлари тор-мор келтирилди. Ўлжалар қўлга туширилди. Бу ўлжалар орасида 105 миллиметр калибрли тўрт тўп ва 70 та автомашина ҳам бор.

ҚУРИЯДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА АМЕРИКА ХАБАРЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 8 август. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Токио мухбири билдиради: Шимолий Қурия қўшинлари икки секторда атака бошлаб, америка қўшинларининг та'минот йўллари бўлган Тэгу (Тайкю)—Пусан (Фузан)ни хавф остида қолдирмоқдалар. Шимолий Қуриянинг уч дивизияси Тэгунинг шимолида Хамчхан (Кансио) ва Ечхонь (Рейсен) жанубида жойлашган райондан Тэгу йўлида жанубга томон зарба бермоқда.

8-нчи америка армиясининг ахборотида бу сектордаги аҳвол тўғрисида қуйидагилар айтилади: «Шимолий Қурия қўшинлари Ечхоньнинг жанубида яна ҳужум бошладилар. Хабар беришларига қараганда Жанубий Қурия қўшинлари қаттиқ зарба остида қолмоқдалар».

Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири Беннихоф Қуриядан билдиради: Шимолий Қурия қўшинлари Тэгудан 25 миля жанубда Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёси қайрилиб оққан районда кечаси атака қилдилар, улар америка мудофаасини тез орада ёриб ўтдилар ва шарқи-жанубга томон силжидилар.

Беннихофнинг айтишича, Шимолий Қурия қўшинлари ҳозирги вақтда Нактонган дар'ёсининг ҳамма қисмида сув кечиб ўтмоқдалар.

ҚУРИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ЛОНДОН, 8 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Қурияда генерал Макартур штабида бўлган мухбири билдиради: олинган ма'лумотларга қараганда, бугун эрта блан Шимолий Қурия қўшинларининг икки батальони Тэгу (Тайко) шимолидаги сўнгги дар'ё бўлган Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсидан ўтдилар.

Шимолий Қурия қўшинлари бу дар'ёдан Тэгудан 25 километр ғарби-шимолда жойлашган пунктда кечиб ўтдилар. Шимолий Қурия қўшинлари Нактонганнинг шарқий қирғоғига танкларини ўтказдилар.

Шимолий Қурия қўшинларининг жануб томонга силжиб боришлари Чиньчжу (Синсю) йўлида жануб томонга ҳужум бошлаган америка қўшинларини хавф остида қолдирмоқда.

Америка артиллерияси Шимолий Қурия қўшинларининг қаттиқ зарбаси остида қолган Жанубий Қурия қўшинларига мадад бермоқда.

Қурия Халқ-демократик республикаси Ҳукуматининг Хавфсизлик Советига мурожаати

ПХЕНЬЯН, 8 август. (ТАСС). Газеталар Қурия Халқ-демократик республикаси Ташқи ишлар министри Пак Хен Еннинг Хавфсизлик Советига юборган қуйидаги мурожаатини э'лон қилдилар:

Қурия Халқ-демократик республикаси Ҳукуматининг ихтиёрида бўлган жуда кўп фактлар шуни исбот этадики, америка интервентлари Халқ армияси томонидан ва бутун қурия халқи томонидан қаттиқ зарбага учраб, халқимизнинг ажнабий босқинчиларга қаршилик кўрсатиш иродасини шафқатсизлик блан қақшатишга умид боғлаб, Қурияда уруш олиб боришда ваҳшиёна усуллар қўлланмоқдалар. Улар қурия халқини қул қилишга интилиб, халқаро ҳуқуқ қоидаларини, инсоний ахлоқ қоидаларини сурбетларча бузмоқдалар. Америка авиацияси ҳимоясиз қурия шаҳарларига ва ҳечқачон ҳарбий иншоотлар бўлмаган саноат марказларига ваҳшиёна ҳужум қилмоқда, уй-жойларни вайрон қилиб, одамларни бошпанасиз қолдирмоқда, мактабларни, касалхоналарни ва бошқа маданий муассасаларни вайрон қилмоқда, тинч кишиларни — кексалар, хотин-қизлар ва болаларни ўлдирмоқда, уларнинг мол-мулкларини нобуд қилмоқда. Масалан, америка авиацияси 29 июньдан тортиб 2 августгача Пхеньянни бомбардимон қилиш вақтида америка аэропланлари шаҳардаги тураржойларга кўп бомба ташладилар, шаҳарни реактив тўплар ва пулемётлардан кўп марта ўққа тутдилар. Жумладан, америка аэропланлари 30 июнь, 3, 4, 5, 20, 23 июльда ва 2 августда ҳужум қилган вақтларида Пхеньяннинг тинч аҳолисини тўп ва пулемётлардан ўққа тутдилар. 4 июльда Пхеньян устида тўсатдан пайдо бўлган америка аэропланлари шаҳар Халқ комитети биноси яқинида ертўлага тушиш учун шошилаётган одамларни пулемётлардан ўққа тутдилар. Шундан кейин аэропланлар шаҳарнинг асосий кўчалари устида бирнеча марта учиб, уларни пулемётлардан ўққа тутдилар. Ана шу бомбардимонлар ва ўққа тутишлар натижасида Пхеньянда 1.200 дан ортиқ уй-жой вайрон қилинди, 1.000 уй-жой қаттиқ зарарланди. Халқ касалхонаси, политехника институтининг бирқанча биноси вайрон қилинди.

Пхеньянга қилинган ҳужумлар натижасида 700 га яқин киши ўлди ва 500 дан ортиқ киши ярадор бўлди.

Америка авиацияси июль ойида Вонсан шаҳрига доим ҳужум қилиб, неча юз тонналаб бомба ташлади ва шаҳарни пулемётлардан бирнеча марта ўққа тутди. Масалан, 13 июльда Вонсанга тўдалашиб ҳужум қилинганидан кейин шоли омбори ёниб кетди. Ҳужум тамом бўлганидан кейин шаҳар аҳолиси ёниб турган омбор яқинига тўпланиб, шолини ёнғиндан сақлаб қолиш ниятида омбор ичидан ташийбошлади. Шу пайтда шаҳар устида пайдо бўлган американинг иккита штурмчи аэроплани одамларни пулемётлардан ўққа тутди ва сўнгра бирнеча марта айланиб учиб, қочиб борган кишиларни пулемётлардан ўққа тутаберди. Бу ҳужумлар натижасида Вонсан шаҳрининг кўп қисми тамомила вайрон бўлди, шу жумладан бирнеча мактаб, беш касалхона, бирнеча маданият уйи ва кино-театрлар хароб қилинди. 4 мингдан ортиқ киши ўлди ва ярадор бўлди.

Америка авиацияси Нампхо шаҳрига бирнеча марта ҳужум қилганида америка аэропланлари тураржойларга кўп бомба ташладилар ва бу жойларни тўп ва пулемётлардан ўққа тутдилар. Бу ҳужумлар натижасида Нампхода 100 га яқин киши ўлди ва ярадор бўлди, 500 дан ортиқ уй-жой, жамоат бинолари ва маданий бинолар вайрон бўлди.

Хиннам шаҳри ваҳшийларча бомбардимон қилинди. Америка аэропланларининг 30 июльда, 2 ва 3 августда Хиннамга тўдалашиб қилган ҳужуми натижасида шаҳар тамомила вайрон бўлди.

Америка авиацияси Сеул шаҳрини доим бомбардимон қилиб ва ўққа тутиб тураржойларга катта зарар етказмоқда. Сеул аҳолиси ўртасида 7 мингга яқин киши ўлди.

Америка авиацияси Жанубий ва Шимолий Қурияда ҳечқандай ҳарбий иншоотлар ёки саноат корхоналари бўлмаган кўпгина кичик шаҳар ва қишлоқларни кўп марта ваҳшийларча бомбардимон қилди. Бу шаҳар ва қишлоқлардан кўпи тамомила вайрон қилинди ёки бутунлай деярлик хароб этилди. Масалан, Жанубий Канвон вилоятидаги Воньчжу деган уезд маркази, Кенги вилоятидаги Деппяо қишлоғи, Жанубий Канвон вилоятидаги Ханчон шаҳри, Кенги вилоятидаги Пхентхэк шаҳри, Жанубий Пхеньян вилоятидаги Янчач шаҳри вайрон қилинди.

Америка аэропланлари далаларда ишлаётган деҳқонларни, пассажир поездларни, пассажир пароходларини ва шу сингариларни кўп марта бомбардимон қилдилар. Масалан, 4 та америка аэроплани 3 июльда Хванхэ вилоятининг Понсан қишлоғида далада ишлаб турган деҳқонларни ўққа тутди. Бунинг натижасида 10 киши ўлди ва 8 киши ярадор бўлди. Американинг 6 аэроплани 4 июльда Жанубий Пхеньян вилоятининг Мунари қишлоғида экинларни ўтоқ қилиб турган деҳқонларни пулемётлардан 4 марта ўққа тутди. Бунинг натижасида 15 деҳқон ўлди, булар орасида шолипоя чекасида боласини эмизиб турган Ким деган деҳқон аёл ҳам ўз боласи блан бирга ўлдирилди.

3 июльда америка аэроплани Сопхо станцияси устида учиб, Пхеньяндан Надинга бораётган курьер поездни ўққа тутиб, проводникни ва бирнеча йўловчини қаттиқ ярадор қилди. Америка аэропланлари 4 июльда Нампходан Хванхэга бораётган пассажир пароходини бирнеча марта ўққа тутдилар. Бунинг натижасида йўловчилардан 33 киши ўлди ва ярадор бўлди.

Америка аэропланлари 5 июльда Хамхин яқинидаги Сенченган дар'ёси қирғоғида кийимларини чайиб турган хотин-қизларни ва дар'ёда чўмилаётган болаларни пулемётлардан ўққа тутдилар. Бунинг натижасида 12 киши ўлди ва 14 киши ярадор бўлди.

Америка авиацияси Қурия саноатини хароб қилишни ва қурия халқини кулфатга солишни ўз олдига вазифа қилиб қўйиб, саноат марказларига доим ҳужум қилмоқда, ҳарбий саноатга ҳечқандай алоқаси бўлмаган корхоналарни ер блан яксон этмоқда. Масалан, Пхеньянга қилинган ҳужум вақтида крахмал заводи, иккита соя заводи, тикув фабрикаси, трикотаж фабрикаси, резина пойафзал заводи, нон заводи вайрон қилинди. Нампхо шаҳрига қилинган ҳужум вақтида ёг тайёрлайдиган завод вайрон қилинди. Нампяодаги қишлоқ хўжалик ўғитлари заводи ва Хипнамдаги қишлоқ хўжалик ўғитлари комбинати вайрон қилинди. Қурия қишлоқ хўжалигининг унумдорлиги кўп жиҳатдан шу корхоналарнинг ишига боғлиқ эди. Анчагина ошхона, магазинларга ва бошқа корхоналарга шикаст етказилди ёки улар хароб қилинди.

Ана шу ёвузликларнинг ҳаммаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан амалга оширилаётган полиция тадбирлари деб э'лон қилинмоқда.

Макартур штаби ҳар кунги ахборотларида Қуриянинг шаҳар ва қишлоқларига неча юз тонналаб бомба ташланаётганлигини билдиради ва одамхўрларга хос сурбетлик блан бу ваҳшийликларни қурия халқи учун қилинаётган олижаноб иш деб э'лон қилади.

Бутун дун'ёдаги соф виждонли ҳамма кишилар каби қурия халқи ҳам америкали интервентларнинг Қуриядаги ваҳшийликларидан қаттиқ ғазабланмоқда.

Қурия Халқ-демократик республикаси Ҳукумати юқоридаги ҳолларни Хавфсизлик Советига ма'лум қилади. Қурия Халқ-демократик республикаси Ҳукумати Американинг Қуриядаги қонунга хилоф интервенцияси тўғрисидаги умумий масалага тўхталиб ўтмайди, чунки Қурия Халқ-демократик республикаси Ҳукумати 1950 йил 2 июльда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Секретарига юборган баёнотида шу тўғрида ўз фикрини билдирган эди. Қурия Халқ-демократик республикаси Ҳукумати қат'ий норозилик билдиради ва америка қуролли кучлари томонидан Қурияда қилинаётган ана шундай мудҳиш жиноятларни дарҳол тўхтатиш учун чоралар кўришни талаб этади.

Қурия Халқ-демократик республикаси Ҳукумати Хавфсизлик Совети америка империалистларининг Қуриядаги ёвузликларини тўхтатиш учун чора кўришдан бош тортган тақдирда, ана шу ёвузликлар учун жавобгарлик америка интервентлари блан бирқаторда Хавфсизлик Советининг шундай чоралар кўрилишига қарши чиққан а'золари бўлмиш давлатлар зиммасига ҳам юкланади деб ҳисоблайди.

«ШИМОЛИЙ АМЕРИКАДАГИ ҚУРИЯЛИЛАР ДЕМОКРАТИК ФРОНТИ»НИНГ АМЕРИКА ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 август. (ТАСС). «Шимолий Америкадаги қуриялилар демократик фронти» америка халқига қарата мурожаат э'лон қилди. Демократик фронт ўз мурожаатида америка халқини Америка Қўшма Штатлари ҳукуматидан Қуриядаги гражданлар урушига қурол кучи блан аралашишга дарҳол хотима беришни талаб қилишга чақиради ва америка аэропланларининг Қуриядаги тинч аҳолини шафқатсиз бомбардимон қилаётганлигига қарши норозилик билдиради.

Мурожаатда бундай дейилади: қурия халқи ўз мамлакатининг мустақиллиги ва бирлиги учун ҳаракат қилмоқда. «Қурияда ҳозир давом этаётган гражданлар уруши, — дейилади мурожаатда, — бутун қурия халқининг Ли Син Ман идора усулига қаттиқ нафрати орқасида кўтарилган вулқондир».

Мурожаатда Ли Син Маннинг қурия халқига қарши қилган жиноятлари батафсил санаб кўрсатилади.

Мурожаатнинг охирида бундай дейилади: Қурияда ҳозир давом этаётган гражданлар уруши қурия халқининг парчаланиб кетган ўз мамлакатини бирлаштириш йўлида олиб бораётган революцион урушидир. Шу сабабдан бу уруш халқаро миқ'ёсдаги жанжал бўлмай, балки мамлакатнинг ички ҳаётига доир низо'дир. Ажнабийларнинг Қуриядаги воқиаларга аралашуви учун ҳечқандай асос йўқ. Америка Қўшма Штатларининг аралашуви бема'ни ишдир. Америка ёшлари бекордан-бекорга қирилиб кетмоқда. Ҳарбир мамлакатнинг ўз тақдирини белгилаш ва ҳамманинг бахт-саодатли бўлишига интилиш ҳуқуқи тўла та'минланган тақдирдагина мустаҳкам умумий тинчликни сақлаб қолиш мумкин. Биз ана шу қат'ий ишончга асосланиб, америка халқини инсонларча адолатли ҳаракат қилишга чақирамиз, америка халқини ўз ҳукуматидан Америка Қўшма Штатларининг Қуриядаги гражданлар урушига қурол кучи блан аралашувини дарҳол тўхтатишни талаб қилишга чақирамиз.

НОРВЕГИЯ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИ ҚАСАБА СОЮЗИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

8 августда «Гудок» газетасининг редакциясида Норвегия темирйўлчилари касаба союз делегацияси матбуот конференцияси ўтказди. Бу делегация СССР темир йўл транспорти ишчилари касаба союзи Марказий комитетининг таклифи блан Совет Иттифоқига келган эди.

Норвегия темирйўлчилари СССР да бўлган вақтларида Москвадан ташқари яна Киев ва Сочига ҳам бордилар. Делегация а'золари матбуот конференциясида Совет Иттифоқига қилган сафарлари вақтида олган таассуротлари ҳақида гапирдилар ва матбуот конференциясида ҳозир бўлганлар томонидан берилган саволларга жавоб қайтардилар.

Делегация бошлиғи Улаф Бьерке бундай деди: Совет Иттифоқига келганимиздан ҳаммамиз жуда хурсандмиз, бизни ҳаммаерда совет кишилари зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар.

Делегация а'золари совет темирйўлчиларининг Москвадаги Марказий поликлиникасини, Сочидаги темирйўлчилар санаториясини бориб кўрганларида, Совет Иттифоқида ишчиларнинг соғлиги тўғрисида катта ғамхўрлик қилинаётганлигини ўз кўзлари блан кўриб ишондилар.

Делегация Москванинг турли корхоналарида ҳам бўлди. Ҳаммаерда социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёйганлиги, ишчиларнинг меҳнат унумини ошириш, ўз ишлабчиқариш планларини муддатидан илгари бажариш учун курашаётганликлари бизнинг э'тиборимизни жалб қилди. Делегация шундай хулосага келдики, — деди Бьерке, — совет ишчиларининг социалистик мамлакатда меҳнат қилаётганликлари ва уларнинг меҳнати бутун халқ фаровонлигини оширишга ёрдам бераётганлиги совет ишчиларини буюк меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда.

Делегация а'зоси, Норвегия темирйўлчилари касаба союзининг секретари Эгиль Хальворсен делегациянинг Москвада Горький номидаги Марказий маданият ва истироҳат боғида темирйўлчилар Куни байрами муносабати блан олган таассуротларини сўзлаб берди.

ВЕНАДА СОВЕТ ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ҚАБРЛАРИГА ГУЛДАСТАЛАР ҚЎЙИЛДИ

ВЕНА, 8 август. (ТАСС). Бугун Венадаги марказий қабристонда Маориф ходимлари халқаро бирлашмасининг бешинчи конгресси қатнашчилари Венани озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчиларининг қабрларига гулдасталар қўйдилар.

Маориф ходимлари халқаро бирлашмасининг раиси профессор Анри Валлон қисқача нутқ сўзлаб, Европа халқларини гитлерчилар зулмидан озод қилиш ишида Совет Армиясининг ҳал қилучи роль ўйнаганлигини уқдириб ўтди.

Вакиллар фашизмга қарши курашган ва гитлерчиларнинг қамоқ лагерьларида азоблаб ўлдирилган курашчиларнинг қабрларига ҳам гулдасталар қўйдилар.

Америка империалистларининг Германия демократик республикасига қарши янги иғволари

БЕРЛИН, 8 август. (ТАСС). АДН агентлиги билдиради:

Ма'лум бўлишича, американинг «С—45» аэроплани 1950 йил 27 июльда Франкфурт-Майндан Берлинга учиб, соат 10 дан 15 минут ўтганида 1.500 метр баландликдан Ораниенбаум территориясига (Дессау шаҳридан 9 километр шарқда) иккита ёндиручи бомба ташлаган. Бомбалардан бири ерга тушиб қаттиқ аланга олган ва бу аланга 3—4 метр баландликка кўтарилиб, оқкулранг қуюқ тутун пайдо бўлган. Бомбалар енгил оқ тунукадан ясалган, бомбаларнинг узунлиги 400 миллиметр, қалинлиги 50 миллиметр. Ҳар икки бомбанинг ичига термит тўлдирилган.

Шу йилнинг 19 июлида Клиц қишлоғи (Саксония-Ангальт) районида учган америка аэроплани пишиб турган буғдой даласига ёндиручи бомба ташлаган. Аммо бу бомба ёнмаган.

Америкали уруш олови ёқучиларнинг душманлик мақсадида қилган ана шу янги иғволари Германия демократик республикаси жамоатчилигини қаттиқ ғазаблантирди.

Ўзбекистон спартакиадасида



Суратда: (чапда) Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлаётган классик курашлар. Ўртада — полвонлардан **Каримов** ва **Рашидов**лар курашмоқдалар. (Ўнгда) наманганли физкультурачи **Ш. Ахмедов** штанга кўтармоқда. **М. Пенсон** ва **И. Глауберзон** фотолари.

Пойтахтнинг барча спорт базаларида ва маданият-истироҳат боғларида республика VI спартакиадаси қатнашчиларининг мусобақалари давом этди.

«Спартак» стадионида енгил атлётика мусобақалари бўлди. Югуриб келиб уч марта узунликка сакрашда тошкентли спорт мастери А. Борисов биринчи ўринни олди. У 13 метр 60 сантиметрга иргиди. СССР спорт мастери Фарида Ҳасанова 800 метрга югуришда биринчи ўринни олиб, маррага 2 минут 27,4 секундда етиб келди. 1.500 метрга югуришда мусобақа қатнашчилари орасида қизғин кураш борди. Республика рекордчиси тошкентли Турсун Исмоилов бу масофани биринчи бўлиб босиб ўтди. У маррага 4 минут 21 секундда етиб келди. Фарғонали Н. Любин ундан фақат 2 секунд орқада қолди. Учинчи ўринни тошкентли Г. Безруков олди.

Югуриб келиб узунликка сакрашда хоразмли колхозчи физкультурачи В. Егай ғолиб чиқди. У 5 метр 67 сантиметрга сакради. Фарғонали колхозчи Ю. Умаров гранатани ҳаммадан узоққа —53 метр 30 сантиметрга иргитди.

Енгил атлётика юзасидан ўтказилган уч кунлик мусобақада Самарқанд областининг колхозчи физкультурачилари ғолиб чиқдилар. Улар 6.219 ютуққа эга бўлдилар. Қорақалпоғистон АССР физкультурачилари иккинчи ўринни, Хоразм область физкультурачилари учинчи ўринни олдилар.

Сталин номидаги маданият ва истироҳат боғининг сув станциясида сузиш мусобақалари тугади. Сўнгги мусобақада республика рекордчиси тошкентли Г. Фильков 200 метрга сузишда ғолиб чиқиб, бутун масофани 3 минут 11,5 секундда сузиб ўтди. 1.500 метрга ўтказилган сузиш мусобақасида тошкентли Э. Ленковский биринчи ўринни олди. 3х100 метрга ўтказилган эстафетада Тошкент сузучилари ғолиб чиқдилар. Сузиш мусобақаларида команда биринчилигини Тошкент шаҳри, иккинчи ўринни Самарқанд ва учинчи ўринни Андижон физкультурачилари олдилар.

Темирйўлчилар маданият ва истироҳат боғида енгил ва ўрта вазндаги оғир атлётикачиларнинг штанга кўтариш мусобақалари бўлди. Енгил вазндаги спортчилар орасида спорт мастери тошкентли С. Мкртумян биринчи ўринни олди. У ҳаммаси бўлиб, 300 килограмм тош кўтарди. Иккинчи ўринни олган тошкентли Б. Лебедев 287,5 килограмм тош кўтарди. Самарқандли Ю. Шипачев учинчи ўринни олди. Ўрта вазндаги штангачилар орасида тошкентли Ю. Чаусский Ўзбекистоннинг 1950 йилги чемпиони номини олди. У ҳаммаси бўлиб, 320 килограмм тош кўтарди. Иккинчи ўринни фарғонали С. Агаханян, учинчи ўринни самарқандли Г. Рижков олдилар. Команда биринчилигида ҳомон тошкентлилар олдинда бормоқдалар.

Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида классик курашлар давом этди. Уч кунлик мусобақадан сўнг Тошкент шаҳрининг полвонлари олдинда бормоқдалар. Улар барча учрашувларда ғолиб чиқдилар. Иккинчи ўринда Сурхондар'ё, учинчи ўринда Самарқанд область полвонлари бормоқдалар.

Спорт гимнастикаси мусобақалари тугади. Иккинчи разряддаги спортчилар мусобақасида самарқандли Я. Гельфенбейн блан П. Лебедев ўртасида биринчилик учун қаттиқ кураш борди. Гельфенбейн 51, 85 ютуққа эга бўлиб, биринчи ўринни олди. Иккинчи ўринни Лебедев, учинчи ўринни тошкентли В. Руденко ишғол қилдилар. Самарқандли гимнастикачи Г. Горбунова 54,4 ютуққа эга бўлиб, хотин-қизлар орасида биринчи ўринни олди. Самарқандли Н. Белова иккинчи ўринни ва фарғонали В. Гончарова учинчи ўринни эгалладилар. Учинчи разряддаги гимнастикачилар орасида Фарғона область спортчиси О. Умрихин ва Тошкент область спортчиси Р. Раҳимова биринчи ўринларни олдилар.

Уч кун давом этган мусобақа якунида спартакиадада умумкоманда биринчилигини Ўзбекистон пойтахти спортчилари ўз қўлларида сақлаб келмоқдалар. Иккинчи ўринда Самарқанд области, 3 ва 4-нчи ўринларда Фарғона ва Тошкент область командалари бормоқдалар.

Бугун велосипедчи, мотоциклчи, енгил атлётикачи ва футболчиларнинг энг сўнгги мусобақалари ўказилади. Кечқурун «Спартак» стадионида спартакиаданинг тантанали суратда ёпилиш маросими бўлади.

Шахмат-шашка хроникаси

Тошкентдаги Офицерлар уйида шаҳар биринчилиги учун бошланган шахматчи қиз-жувонлар мусобақаси тамом бўлди.

Биринчи ўринни 10 та ачкодан 9 тасини ютган ўртоқ Сильвестр эгаллади. Унга пойтахт шахмат чемпиони унвони берилди. Иккинчи ўринни илгари Ўзбекистон чемпиони унвонини олган ўртоқ Бакликова эгаллади. У Сильвестрдан ярим ачко кам ютди.

☆

2 августда Горький номидаги маданият ва истироҳат паркида Тошкент шаҳридаги завод ва фабрика командалари ўртасида биринчилик учун шахмат ва шашка мусобақалари бўлиб ўтди. «Таштекстильмаш» заводининг командаси 7-нчи завод командасини ютди.

Ворошилов номли завод командаси вино заводи командасини ютди.

Б. ПЕРЕВОЗНИКОВ.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари
Б. РАҲМОНОВ.

ТЕАТР ва КИНОЛАРДА

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 10 августда **Фарҳод ва Ширин.**

«РОДИНА» — кундуз **Хўжа Насриддин**, кечқурун **Лўлилар барони.**

«ВАТАН» — **Хўжа Насриддин.**

«НАВОИЙ» (қишки) — кундуз **Олтин калид**, кечқурун **Сўнгги раунд.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Шайтон дара.**

«ИСКРА» (қишки) — **Машенька.**

«ИСКРА» (ёзги) — **Сўнгги раунд.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Хитой қизлари**, кеч соат 7, 9 ва 11 да **Дунай фарзанди.**

«ХЕВА» — **Осмон секинюрари.**

«ШАРҚ» — **Алитет тоққа чиқиб кетади.**

«УДАРНИК» — **Тайгали йигит.**

32-нчи қурилиш трестининг ТРАНСПОРТ КОНТОРАСИ 10 августдан бошлаб

ШОФЕРЛАР КУРСИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 4—5 ой. Ўқиш бепул. Ўқучилар ўқиш даврида иш ва ётоқ блан та'минланадилар. Адрес: Тошкент шаҳар, Бакинская кўчаси, 113-нчи уй (5-нчи трамвай боради).

Тез ёрдам клиник касалхонаси ҳузуридаги

КЕЧКИ МЕДСЕСТРАЛАР МАКТАБИ

1950/51 ўқув йилига

ЎҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактабда қуйидаги бўлимлар бор:

1. **Медсестралар тайёрлаш бўлими**—ўқиш муддати 2 йил.
2. **Болалар муассасалари учун медсестралар тайёрлаш бўлими** — ўқиш муддати 1 йил.

Медсестралар мактабига камида 7 синф ҳажмида ма'лумоти бўлган, 14 ёшдан 35 ёшгача кишилар қабул қилинади.

Мактабга киручилар 7 синф ҳажмида имтиҳон берадилар.

Аризалар мактаб биносида дам олиш кунларидан бошқа ҳар куни кеч соат 6 дан 9 гача қабул қилинади (Жуковский кўчаси, 74-нчи уй. Ремесленная кўчасидан кирилади).

Ўқиш 1 сентябрьдан бошланади.

Қабул қилинганлар белгиланган тартибда стипендия блан та'минланади.

1950 йил 30 октябрьда Москва шаҳрида

3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИНИНГ 17-НЧИ АСОСИЙ ВА 3-НЧИ ҚЎШИМЧА ЮТУҚ ТИРАЖЛАРИ

бўлади.

Қўшимча тиражда заёмнинг ҳамма уч разрядига 34.172.000 сўмлик 34.500 ютуқ, шу жумладан 100.000 сўмдан 3 ютуқ ўйналади.

Свердлов номли концерт залида 12 ва 13 августда

Қирғизистон ССР

давлат

ҳалқ хорининг ГАСТРОЛЬЛАРИ

(50 кишидан иборат)

Қатнашадилар: Қирғизистон ССР халқ артисти **Сайра Киизбоева**, республикада хизмат кўрсатган артист **Мисқал Умурқанова**, демократик ёшларнинг Прагадаги Халқаро фестивали қатнашчиси **Назира Тойгомбоева** (лирик-колоратур сопрано), Ленин орденли Қирғизистон опера ва балет театрининг солистлари **Эркин Мигенилова, И. А. Кабеков.**

Программани **Темирбеков** олиб боради.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда (ҳар куни кундуз соат 2 дан). Коллектив заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигининг

ТОШКЕНТ РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ

1600 миллиметр узунликдаги детальларни шлифовка қилиш, токарьлик ва қозон ишларини бажариш, станоклар ва нефть двигательларини ремонт қилиш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Адрес: 1-нчи Тюльпанский проезд, 17-нчи уй.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими—32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 01495. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1131.